

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Дадабоев Аброр Шухратжон ўғли

**“Саноат корхоналари инфратузилмаси ва уни ривожлантириш
йўллари”**

Мутахасссислик: 5230100 – “Иқтисодиёт”

Бакалавр академик даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

катта ўқитувчи Ш. Мамажанов

Наманган - 2016 йил

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....		
I-боб.	Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда саноат корхоналарининг тутган ўрни ва аҳамияти.....	
1.1-§	Иқтисодиётни ривожлантиришда саноат корхоналари инфратузилмасининг ўзига хос ўрни ва ташкилий - ҳуқуқий асослари.....	
1.2-§	Саноат тармоқлари ва уларнинг инфратузилмалари ривожланишининг назарий жиҳатлари.....	
II- боб.	“МЕХМАШ“Ажда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг бугунги кун таҳлили.....	
2.1-§	“МЕХМАШ“Ажнинг техник – иқтисодий кўрсаткичлари ва уларнинг умумий тавсифи.....	
2.2-§	“МЕХМАШ“АЖнинг ишлаб чиқариш инфратузилмаси таҳлили.....	
III – боб.	Мамлакатимизда саноат корхоналари инфратузилмасини ривожлантириш истиқболлари.....	
3.1-§	Саноатда фан-техника тараққиёти ютуқларидан самарали фойдаланиш имкониятлари.....	
3.2-§.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналари инфратузилмасини ривожлантириш масалалари.....	
	Хулоса ва таклифлар	
	Фойдаланилган адабиётлар	
	Интернет маълумотлар	

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги. Жаҳон иқтисодиётида сақланиб қолаётган мураккаб вазият ва дунё бозорларида юзага келаётган ноқулай конъюнктурага қарамасдан, мамлакатимиз иқтисодиёти 2015 йилда ҳам юқори суъатларда ўсишда давом этди.

Хусусан, 2015 йил якунлари бўйича мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг реал ўсиши 8 фоизни ва унинг номинал ҳажми эса 171,4 трлн. сўмни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2015 йилнинг асосий якунлари ва 2016 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида саноат корхоналари ва уларнинг инфратузилмаларини ривожлантириш масалалари ҳақида атрофича тўхталди.

Юқори иқтисодий ўсиш суръатлари ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган, 2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари, жумладан, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг барча ички имконият ҳамда заҳираларини излаб топиш ва сафарбар этиш, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ислоҳ қилиш, модернизациялаш ва диверсификациялашни чуқурлаштириш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини жадал ривожлантиришга, ички талабни рағбатлантириш ва самарали макроиқтисодий сиёсатнинг юритилиши ҳисобига таъминланмоқда.

2015 – 2019 йилларда мамлакатимиз саноат тармоқларини таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялашни чуқурлаштириш, замонавий инфратузилмани шакллантиришга қаратилган қатор дастурларда 2015 йил учун мўлжалланган вазифа ва чора-тадбирларнинг самарали амалга оширилиши иқтисодиётга йўналтирилган капитал кўйилмалар ҳажмининг юқори ўсиш суръатларини таъминлашга хизмат қилди.

Маълумки, корхоналарнинг хўжалик фаолият натижаси нафақат асосий ишлаб чиқариш жараёнларидан, қолаверса келгусида ишлаб чиқаришнинг базасини такомиллаштириш, уларга ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш инфратузилмаларининг қай даражада ташкил этилганлиги билан бевосита ва билвосита равишда боғлиқдир.

Корхонада меҳнат натижаларини ундаги асосий ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган ёрдамчи характердаги инфратузилма яъни, ускуналарга техник хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқаришга хом ашё, ёқилғи, энергиянинг барча турларини етказиб бериш, моддий бойликларни сақлаш, тайёр маҳсулотни сотиш ва ташиш каби жараёнларнинг узлуксиз ҳамда самарали ишлашини таъминлайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш узлуксизлиги ва бир маромда боришини таъминлашда корхона инфратузилмасининг аҳамияти, зарурлиги ва ўзига хос ўрни танлаган битирув малакавий ишининг долзарблигини асослайди.

Муаммонинг ўрганиш даражаси. Республикамизда саноат корхоналари инфратузилмасининг иқтисодий моҳияти, аҳамияти ҳамда асосий ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишдаги ўрни ва ўзига хос вазифалари билан боғлиқ илмий мақола ва тезислар кўплаб чоп этилмоқда. Мазкур йўналишда республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, Олий Мажлис Сессияларида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишларида сўзлаган маърузалари алоҳида аҳамият касб этади.

Шунингдек, корхона инфратузилмаси билан боғлиқ изланишлар Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В., Тухлиев Б.К., Гимранова О.Б., Шамшиева Н.Н., Беркинов Б.Б., Усмонов Б.Б., Ҳамидов О.М., Неъматов И.У. ва Амонбоев М.А. каби иқтисодчи олимларимизнинг асарларида ўз ифодасини топган.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари. Мазкур битирув малакавий ишининг мақсади эркин рақобатчиликка асосланган бозор муносабатлари шароитида саноат корхоналари инфратузилмасининг саноат

ишлаб чиқариш жараёнини бир маромда боришини таъминлашдаги ўрни ва роли, мазкур йўналишдаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини бирмунча илмий жиҳатдан асослаб беришдан иборат.

Битирув малакавий ишини олдига қўйилган мақсадига эришиши учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- миллий иқтисодий ривожлантиришда саноат корхоналари инфратузилмасининг назарий жиҳатларини ўрганиш;
- иқтисодий ривожлантиришда саноатнинг ўзига хос ўрни ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини аниқлаш;
- саноат корхоналари инфратузилмасини тадқиқот объекти статистик маълумотлари асосида таҳлил этиш;
- мамлакатимизда саноат корхоналари инфратузилмаси ва уни ривожлантириш истиқболларини ўрганиш.

Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари. Эркин рақобатчиликка асосланган бозор муносабатлари шароитида саноат корхоналари инфратузилмасини ривожланиш хусусиятлари бўйича ватанимиз ҳамда хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий изланишлари мазкур битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асоси ҳисобланади.

Битирув малакавий ишини тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Корхоналар тўғрисида”ги Қонуни, тармоққа оид тегишли Низомлар, шунингдек саноат корхоналари инфратузилмасини ривожлантиришга оид меъёрий ҳужжатлардан манба сифатида фойдаланилди.

Битирув малакавий ишининг объекти ва предмети. Битирув малакавий ишида “МЕХМАШ” акциядорлик жамияти тадқиқот объекти сифатида фойдаланилди.

Битирув малакавий ишининг предмети саноат корхоналари инфратузилмасини ривожлантириш босқичида юзага келадиган иқтисодий-молиявий муносабатлардан иборат.

Битирув малакавий ишининг таркиби. Битирув малакавий иши кириш, 3та боб, 6та параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий ишининг биринчи бобида миллий иқтисодиётни ривожлантиришда саноатнинг ўзига хос ўрни ва ташкилий-ҳуқуқий асослари ҳамда саноат тармоқлари инфратузилмасини ривожлантиришнинг назарий жихатлари ёритилган.

Битирув малакавий ишининг иккинчи бобида саноат корхоналари инфратузилмасининг бугунги кундаги ҳолати тадқиқот объектини статистик маълумотлари ва кўрсаткичлари уларнинг таҳлиллари келтирилган.

Битирув малакавий ишининг учинчи бобида эса мамлакатимизда саноат корхоналари инфратузилмасини ривожлантириш истиқболлари бўйича маълумотлар келтирилган.

Битирув малакавий ишининг хулоса қисмда эса ишнинг натижалари, боблар ва параграфлари умумлаштирилиб, айрим таклиф ва мулоҳазалар келтирилган.

I БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.

1.1. Иқтисодиётни ривожлантиришда саноат корхоналари инфратузилмасининг ўзига хос ўрни ва ташкилий-ҳуқуқий асослари.

Саноат – моддий ишлаб чиқаришнинг энг йирик етакчи тармоғи бўлиб, унда меҳнат қуроллари (воситалари), меҳнат буюмлари ва халқ истеъмол товарларининг кўпчилик қисми яратилади. Унда машина ва механизмларнинг барча турлари, бино ва иншоотларнинг конструктив элементлари ишлаб чиқарилади, ер ости бойликларини қазиб олиш амалга оширилади, минерал, ўсимлик ва ҳайвон хомашёсига ишлов берилади ҳамда кенг истеъмол моллари тайёрланади.

Саноат халқ хўжалигининг барча тармоқларини ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат қуроллари билан таъминлайди. Миллий иқтисодиёт, фан, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт, туризм ва бошқа соҳалар ривожини саноатнинг тараққиёт даражасига боғлиқ.

Ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатлари тараққиётида саноатнинг тарихий роли беқиёсдир. Шу сабабли унинг ривожини ва самарадорлигини қанчалик юқори бўлса, давлатнинг маъқеи шунчалик кучли бўлади ва аҳоли турмуш даражаси янада яхшиланиб боради.

Саноат жамиятнинг етакчи кучи бўлган ишчилар синфини ўзида бирлаштиради. Саноат ривожини туфайли унда банд бўлган ходимларнинг сони кўпаяди, уларнинг билим ва илми, маҳорати ортади, кадрлар салоҳияти юқори даражага кўтарилади.

Меҳнатни ижтимоий ташкил қилишнинг энг олий тури, концентрациянинг юқори даражаси ва шу асосда ижтимоий ишлаб чиқаришни уюштиришнинг илғор усуллари – ихтисослаштириш, кооперативлаштириш ва комбинатлаштириш, кўплаб ишлаб чиқариш ва узлуксиз поток системаси ёрдами билан ташкил этиш саноат соҳасида ҳукмронлик қилади.

Фақат йирик машина индустриясигина фан ва техниканинг барча ютуқларини ўзида тўплаб, мужассамлаштириб, меҳнатни техника билан қуроллантириши ва унинг унумдорлигини юқори даражага кўтариши мумкин.

Саноат ва айниқса унинг энг муҳим соҳаси бўлган оғир саноат мамлакатда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг асоси ҳисобланади. У моддий техника воситаларини ўзи ва бошқа тармоқлар учун такрор ишлаб чиқариш билан бир вақтда жамият аъзолари ўртасидаги ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириб боради.

Саноат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини қайта қуришнинг негизи ҳисобланади. Уни янги техника билан таъминлаш орқали саноат деҳқон хўжалигини иқтисодий ва маданий жиҳатдан юқори даражага кўтаришга, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутни йўқотишга, деҳқон меҳнатини индустриал меҳнатга айлантиришга ёрдам беради.

Саноат мамлакат мудофаа қобилиятинининг моддий манбаи, дунёда тинчликни сақлашнинг муҳим омили, мамлакатлар мустақиллигини ва бирдамлигини таъминловчи муҳим соҳадир. Ўзбекистон давлатининг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлашда саноатнинг роли муҳимдир.

Барча мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ташкилий интилишлари, уларнинг хўжалик жиҳатдан ҳамкорлиги саноат соҳасида ҳам ўз ифодасини топади. Давлатларнинг табиий, меҳнат ресурсларидан, илм-фан ва техниканинг барча ютуқларидан фойдаланиш имкониятларининг кенгайишида саноатнинг аҳамияти салмоқлидир.

Саноат учун узлуксиз фан-техника тараққиёти ва ишлаб чиқариш илм-фан ютуқлари билан қуролланишининг ўсиши характерлидир. Унда электрлаштириш ва электронизациялаш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва компьютерлаштириш ҳамда химиялаштириш соҳасидаги илғор ютуқлардан кенг фойдаланилади ва уларнинг ютуқларини тинчлик мақсадида қўлланилади.

Саноат, айниқса унинг устувор соҳалари бутун ишлаб чиқаришни глобаллаштириш муаммоларини ҳал этишнинг калитидир.

Саноат моддий ишлаб чиқаришниинг бош тармоғи, иқтисодиётнинг пойдеворидир. Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларини қайта қуришга қодир бўлган йирик машиналашган саноатгина мустақилликнинг бирдан бир моддий негизи бўлиши мумкин.

Мамлакат аҳолисининг иш билан бандлигини оширишда саноатнинг роли бекиёсдир. Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 13 фоизи саноат ишлаб чиқариш ҳиссасига тўғри келади. Шунини таъкидлаш керакки, келажакда республика саноатининг жадал суръатлар билан таъминланиши янада яхшиланиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши, яъни бандлик даражаси анчагина юксалади. Жамиятнинг етакчи, бунёдкор, қудратли кучи бўлган кадр (ходим)ларнинг анчагина қисми саноатда хизмат қилади. Бу тармоқнинг янада улкан ривожини саноат кадрлари сонининг ошишига ва уларнинг жамиятдаги мавқеини кўтаришга олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси саноатининг тараққиёти юқори малакали ишчи кадрлар, муҳандис ва техник ходимларни яратди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон саноатида 1,2 миллионга яқин ходим ишламоқда. Уларнинг қарийб ярми олий маълумотли мутахассислардир, 600 мингдан ортиғи эса ўрта ва ўрта махсус маълумотли ходимлардир.

Жамият тараққиётининг муҳим қонуниятларидан бири саноат ходимларининг маданий – техник савияси ўсиши, ишлаб чиқариш малакаси ва тажрибасини тинмай ошиб боришидир.

Ижтимоий – иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришни таъминловчи буюк ҳаракатлантирувчи куч – рақобат ҳам аввало, саноат соҳасида вужудга келди ва ривожлана бошлади. Тадбиркорлар, ишбилармонлар беллашувнинг байроқдори бўлиб майдонга чиқдилар. Республика саноатида ҳам рақобат ўзининг оддий босқичидан энг юқори босқичига кўтарилиб, чинакам умумий дастакка айланмоқда.

Мустақилликнинг афзалликлари ва давлат иқтисодий сиёсатининг етакчилик ролини янада оширмоқда. Олий Мажлиснинг қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари энг аввало, саноат соҳасида амалга оширилмоқда ва сезиларли самара бермоқда.

Саноат табиатда учрайдиган моддий бойликларни казиб чиқариш ва тайёрлашни, уларни ва қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлашни ўз ичига қамраб олади. У барча халқ хўжалиги тармоқлари учун ишлаб чиқариш кучларининг асосий элементларидан бири ҳисобланган жамиятнинг табиат устидан ҳукмронлигини бирмунча орттирадиган, фан-техника тараққиётини белгилайдиган, инсон меҳнатининг унумдорлигини оширишга имкон берадиган, меҳнат ва ишлаб чиқариш қуролларини яратадиган соҳадир.

Саноат тараққиёти ишлаб чиқариш кучларининг бир томонлама ривожланишига хотима беради, мамлакат ва унинг ажралмас қисми бўлмиш вилоятларнинг табиий бойликларидан, хомашё ва меҳнат ресурсларидан кенгроқ ва ҳар томонлама фойдаланиш имкониятини яратиб беради.

Саноатнинг вужудга келиши ва ривожланиши меҳнат тақсимотининг ўсиши, ишлаб чиқаришни дифференциялаш ва интенсивлаштириш билан чамбарчас боғлиқ.

Ҳозирги замон йирик саноати бир бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган кўпгина тармоқлар ва ишлаб чиқаришлардан ташкил топади. Бугунги кунда республика саноатида 175 тармоқ, 1500 га яқин йирик ва ўрта саноат корхоналари мавжуд.

Мамлакатимизда иқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий бўлишининг энг асосий сабабларидан бири – бу мавжуд саноат тармоқларининг керакли ҳажмда сақлаб қолиниши ҳамда янги тармоқларни яратиш стратегияси бўлди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистон ҳукумати учун реал секторни ривожлантириш устувор масалалардан бири бўлиб ҳисобланди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўзгариши динамикасининг ўзгариб бориши, саноат ишлаб чиқаришдаги йиллик ўзгаришни ҳам ўсиб боришига сабаб бўлмоқда. Буни қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин бўлади.(1.1.1-жадвал)

1.1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсиш натижалари ҳақида маълумот

	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил
Ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўзгариши, %	8,2	8	8,1	8
Саноат ишлаб чиқаришдаги йиллик ўзгариш, %	7,7	8,8	8,3	8

Манба: Стат.уз.интернет сайти

Республикамиз саноати ва саноат инфратузилмаларининг тез суръатлар билан ривожланиб бориши натижасида ўз – ўзини ёқилғи – энергетика маҳсулотлари билан таъминланиши (нефт ва нефт маҳсулотлари ҳамда газ ишлаб чиқаришнинг кескин ўсиши), қўшимча қиймат яратувчи (машинасозлик, ёғоч ва ёғочни қайта ишлаш) соҳаларининг интенсив ривожланиши билан биргаликда олиб борилди. Шу билан бирга, қурилиш материаллари, енгил ва озиқ - овқат саноат корхоналарининг ва уларнинг инфратузилмаларини ривожланиб бориши ҳам қайд этилди.

Умуман олганда, тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш таркибида оғир саноат (ёнилғи-энергетика мажмуаси, машинасозлик, металлургия) салмоғининг ошиши енгил саноатнинг улуши ҳисобига ривожланмоқда. Натижада, мустақил иқтисодга хос бўлган даражага яқинлашиш даражаси кузатилмоқда ва собиқ иттифоқ мамлакатларида қайта ихтисослашувдан

пайдо бўлаётган етишмовчилик ва тобеликнинг олдини олиш таъминланди деб айтишимиз мумкиндир.

Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва қўшимча қиймат яратувчи саноат тармоқларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодий стратегия республикамиз саноат корхоналари ва бошқа кўплаб инфратузилмаларни ривожланиб боришига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.


Ўзбекистон ўзининг олтини, мрамари, пахта толаси ва ипаги, нефти ва гази, самолёт ва автомобиллари, пахта териш машинаси ва пахтани қайта ишлаш машиналари билан эксковатор ва компрессорлари, вино ва консервалари ҳамда бир қатор бошқа саноат маҳсулотлари билан дунёга машхурдир.

Ўзбекистон республикасининг индустриал қиёфасини бугунги кунда энергетика, кон-руда, олтин казиб чиқариш, самолётсозлик ва автомобилсозлик саноатлари, электротехника ва электрон саноатлари, кўп тармоқли машинасозлик, уй рўзгор буюмлари, нозик электр буюмлари, фан талаб соҳаларнинг ва қурилиш материаллари саноати белгилаб бермоқда.

Корхона ишлаб чиқариш инфратузилмаси унинг маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бўлинмаларидир. Уларнинг асосини эса ишлаб чиқариш жараёнларига техник хизмат кўрсатиш, шунингдек, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган шароитларни яратиб берувчи, меҳнат буюмларини етказувчи, ишлаб чиқаришни хом ашё, ёқилги, барча энергия турлари билан таъминловчи, асбоб-ускуналарга ва бошқа меҳнат воситаларига хизмат кўрсатувчи ҳамда таъминловчи, моддий бойликларни сақловчи, тайёр маҳсулотни реализациясини амалга оширувчи, уни етказиб берувчи ҳамда бошқа жараёнлар билан шуғулланувчи хизмат кўрсатиш ҳамда ёрдам берувчи цех хўжаликлари ташкил этади.

Саноат корхоналари инфратузилмаси – бу цех, участка, хўжаликлар ва корхона хизмат бўлинмаларининг бирлиги, улар бир-бирининг қарамоғида бўлиб, корхона фаолиятини бир меъёрга бориши учун зарур бўлган шароитларни яратиб берадилар.

Улар икки йўналишга бўйича таснифлаш мумкин яъни, ишлаб чиқарувчи ва ижтимоий инфратузилмалардан иборат бўлиб, шунингдек капитал қурилишга ҳам хизмат кўрсатади(1.1.2-чизма).



Манба: Чизма муаллиф томонидан тайёрланган.

1.1.2-чизма. Инфратузилмани турлари бўйича таснифланиши.

Ижтимоий инфратузилманинг таркибини корхона ходимлари ва уларнинг оила аъзоларига ижтимоий хизмат кўрсатувчи ва маданий талабларини қониқтирадиган барча бўлимлар ташкил этади. Уларга умумий овқатланиш шаҳобчалари (ошхона, кафе, буфетлар), соғлиқни сақлаш (шифохона, поликлиника, тиббиёт пунктлари), мактабгача тарбия муассасалари (болалар боғчаси ва яслилари), таълим муассасалари (мактаблар, касб-хунар таълим масканлари, малака ошириш курслари) турар уй-жой коммунал хўжаликлари (кутубхоналар, клублар, пансионатлар, ўқувчилар ёзги дам олиш лагерлари, спорт мажмуалари) ва бошқаларни киритиш мумкин.

Саноат инфратузилмасининг таркибий қисми ҳисобланган техник хизмат кўрсатиш тузилмаси (ёрдамчи ишлаб чиқариш) – бу асосий ишлаб чиқаришни узлуксиз ва самарали ишлашини таъминловчи таркиби бўлиб,

уларга таъмирловчи асбобсозлик, энергетик, транспорт, омборхона ва бошқа хўжаликлар киради..

Таъмирловчи хўжалик – бу барча асбоб-ускуналарга хизмат кўрсатувчи ва таъмирловчи тадбирларнинг мажмуасини назорат қилувчи ишлаб чиқариш бўлинмаларидир.

Йирик корхоналарда таъмирловчи хўжалик таркибий тузилмаси таъмирловчи-механика, электр таъмирловчи, қурувчи цех ва участкаларидан иборат.

Корхоналарда технологик асбоб-ускуналар таъмирланиши қуйидагича амалга оширилади:

- техника диагностика натижалари бўйича таъмирлаш тузилмалари (бу ҳолатда таъмирлаш ишлари асбоб ускуналарни техник ҳолати назорати натижалари бўйича амалга оширилади);
- режали олдини оладиган таъмирлаш тизимлари – бу хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича режалаштирилган, асбоб-ускуналарни олдиндан ишдан чиқиши, аварияга учраши, ҳамда уни яхши ҳолатда сақлаш бўйича техникавий ва ташкилий тадбирлари мажмуидир. Уларга шунингдек, таъмирлаш жараёнида асбоб-ускуналарни модернизация қилиш ёки янгилаш ишлари ҳам киради.

Таъмирлаш ишларининг таннархи кирим-чиқим молиявий ҳисобига асосан аниқланади. Уларни эса таъмирловчи ишчиларга иш ҳақи ажратмалари, эҳтиёт қисмлар нархи, мойлаш, хом ашёлар ва бошқа харажатлар ташкил этади.

Корхона инфратузилмасининг яна бир таркибий қисми ҳисобланган асбобсозлик хўжалиги – бу иш жойларга технологик жиҳозларини сотиб олиш, лойиҳалаштириш, тайёрлаш, қайтадан тиклаш ва таъмирлаш, уларни ҳисобини олиб бориш, сақлаш ва топшириш билан шуғулланадиган бўлинмалардан иборат.

Асбобсозлик хўжалигига :

- асбоб ва мосламаларни лойиҳалаштириш, марказлашган таъмирлаш билан шуғулланадиган асбобсозлик бўлими;
- асбобсозлик цехи, асбоблар махсус жиҳозларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва қайта тиклаш билан шуғулланадиган бўлим ;
- марказий асбобсозлик омбори асбоблар ва жиҳозларни сақлаш, ҳисобга олиш ва ишлаб чиқаришга топширишни амалга ошириш бўлими;
- цех асбобсозлик омборхоналари ишчиларини асбоб ва технологик жиҳозлар билан шуғулланиш бўлими.

Энергетика хўжалиги ўз навбатида корхона барча энергия турлари билан узлуксиз таъминланиши учун зарур бўлган барча техника воситалари йиғиндисидан иборат бўлиб, унинг таркибини қуйидагилар ташкил этади:

- ✓ электр қувватли-пасайтирувчи ва кучланувчи подстанциялар, генератор ҳамда трансформатор қурилмалари, электр тармоқлари;
- ✓ иссиқлик қувватлувчи қозонхоналар, пар ва хаво тармоқлари, компрессорлар, сув таъминоти ҳамда канализация;
- ✓ газ билан таъминловчи-газлаштириш тармоқлари, газ-генератор станциялари, совутиш-компрессор ва вентиляция қурилмалари;
- ✓ печлар, иситиш ва термик печлари;
- ✓ паст қувватли -АТТ (АТС) радиотармоқ, диспетчер алоқа тизими;
- ✓ энергия асбоб -ускуналарини модернизацияси ва уларни таъмирлаш устахоналари.

Энергетика хўжалиги ходимларининг асосий вазифаси эса ишлаб чиқаришни барча энергия турлари билан узлуксиз таъминлаш, энергетика жиҳозларидан самарали фойдаланиш ва унинг фойдали иш коэффициентини ошириш, техникани янгилаш ҳамда энергетика хўжалигини ташкил этиш, энергиянинг турли манбаларидан максимал тежамкорликда фойдаланиш ҳамда унинг таннархини пасайтиришдан иборат.

Инфратузилманинг навбатдаги бўғини ҳисобланган транспорт хўжалиги - бу корхона ҳудудида ва ундан ташқарида хом ашё, материал, ярим тайёр

махсулот, тайёр маҳсулот, чиқинди ва бошқа юкларни ташиш учун мўлжалланган воситалар мажмуасидан иборат.

Транспорт хўжалигини ташкил этиш жараёнида юк айланиши ва юк жўнатмаларини аниқлаб, юк ташишни ташкил этиш, транспорт тури ва транспорт воситалари зарурияти, юк кўтариш ва тушириш бўйича ишларни қандай даражада ташкил этилиши каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Маълумки юк айланмаси деганда - корхонага кирувчи юк миқдори, ҳамда белгиланган вақт ичида корхонадан ва корхона миқёсида олиб чиқилган юкларга айтилади.

Омборхона хўжалиги эса - бу омборлар мажмуаси бўлиб, у барча махсус моддий хом ашё ресурсларининг турлари ва уларни сақлаш ҳамда қайта ишлаш талабларини ҳисобга олган ҳолда бирлаштиради. Омборхона бу ишлаб чиқариш хонаси ёки ишлаб чиқариш майдони бўлиб, у ерда моддий бойликлар вақтинча жойлаштирилади ҳамда белгиланган хом ашёлар сақланиб, сўнгра эса ишлаб чиқариш жараёнлари бажарилади.

Омборхона хўжалигини ташкил этишда омборлар сони ва ҳажмини аниқлаш зарур, уларни ишлаб чиқариш объектларига нисбатан жойланиши ва ҳар бир ҳолатда омборхона жиҳозларининг турлари ва асбоб-ускуналари танлаб олинади.

Мамлакатимизда саноат корхоналари инфратузилмасини ривожлантириш бўйича бир қатор қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилган. Булардан:

1) Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2009 йил 20 январдаги “Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1041-сон қарори ишлаб чиқариш инфратузилмаларини янада ривожлантириш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17 август 2012 йилдаги 247 сонли 2014-2015 йилларда «Ангрен» махсус индустриал

зонасининг транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори.

3) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26 февраль 2014 йилдаги 56 сонли “Наманган вилоятида мультимодал логистика марказини ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 20 январдаги “Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1041-сон қарорига мувофиқ:

- Халқаро аҳамиятга эга умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича қўшимча ишлар Дастури тасдиқланди;

- Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини жадал қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш Дастури тасдиқланди;

- Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини илдам қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш Дастурини амалга оширишни таъминлаш бўйича Махсус Комиссия тасдиқланди.

Асосий молиялаштириш манбалари:

- Хўжалик бирлашмалари ва хўжалик субъектларининг ўз маблағлари;
- Тармоқлардаги махсус ривожлатириш фондлари маблағлари;
- Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва Тараққиёт Жамғармаси кредитлари;
- Тижорат банклари кредитлари;
- Халқаро молиявий институтлар кредитлари

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини жадал қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш Дастурига мувофиқ қуйидаги ишлар амалга оширилганлигини кузатишимиз мумкин.

Халқаро аҳамиятга эга умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари қуриш ва реконструкция қилиш бўйича қўшимча ишлар Дастурига мувофиқ 364 км ҳажмида иш бажарилди(1.1.2-жадвал).

1.1.2-жадвал

Халқаро аҳамиятга эга умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари қуриш ва реконструкция қилиш бўйича маълумот

№	Йўналишлар номлари	ЎзР През. ПҚ-969 сонли қароридаги дастур бўйича, жами	Қўшимча иш ҳажми, жами, км	Жами, км
1	Бейнау - Кунград - Бухоро - Самарканд - Тошкент - Андижон	67	130	197
2	Бухоро – Олот	5	10	15
3	Самарканд – Ғузор	20	132	152
	ЖАМИ:	92	272	364

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумоти.

Жумладан,

- Электр таъминоти бўйича:

Лойиҳалар: 6 та; Умумий қиймати: 4757,4 млн. сўм

- Темир йўллари бўйича:

Лойиҳалар: 1 та; Умумий қиймати: 12500,0 млн. сўм

- Телекоммуникация тармоқлари ва иншоотларини модернизациялаш ва ривожлантириш бўйича:

Лойиҳалар: 12 та; Умумий қиймати: 44,036 млн. долл.

- Навоий шаҳри аэропортини модернизация қилиш бўйича:

Лойиҳалар: 5 та; Умумий қиймати: 23000,0 млн. сум, 5,0 млн. долл. 1,2 млн. евро

- Сув таъминоти объектлари бўйича:

Лойиҳалар: 3 та; Умумий қиймати: 20,35 млн. долл.

- Газ таъминоти бўйича:

Лойиҳалар: 4 та; Умумий қиймати: 343 444,5 млн. сўм

- Ижтимоий инфратузилма объектлари бўйича:

1087 та объект; Умумий қиймати: 40 481 млн. сўмни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 17 августдаги 247-сонли “2014-2015 йилларда “Ангрен” махсус индустриал зонасининг транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик – коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2013-2015 йилларда “Ангрен” махсус индустриал зонасининг транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш Дастури тасдиқланди.

Дастурга мувофиқ, ҳажми 59461,6 минг АҚШ доллари эквивалентида инвестиция жалб қилиниши белгиланган, шу жумладан:

- Электр таъминоти: 13 482,3 минг долл.
- Газ таъминоти: 3 568,5 минг долл.
- Сув таъминоти ва оқава сувларни четга чиқаришга: 28 118,4 минг долл.
- Темир йўл инфратузилмасига: 4 360,0 минг долл.
- Автомобиль йўллари: 9 932,4 минг долл.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26 феврал 2013 йилдаги 56 - сонли “Наманган вилоятида мультимодал логистика марказини ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” қарори:

- “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси ҳузурида “Поп” мультимодал логистика маркази фаолияти ташкил этилди;
- “Поп” мультимодал логистика маркази инфратузилмасини барпо этиш чора-тадбирлари комплекси тасдиқланди;
- “Поп” логистика марказининг асосий вазифалари:
- Фарғона минтақавий темир йўл боғланмасининг ихтисослаштирилган станцияларидан фойдаланиб, “Ангрен” логистика маркази билан

ўзаро тўлиқ боғлиқ ҳолда Фарғона водийси ҳудудида юкларни етказиб беришнинг ягона мультимодал схемасини таъминлаш.

- Транспорт - логистика ва транспорт-экспедиция хизматларини кўрсатиш.

Юқорида таъкидлаб ўтилган қарорлар транспорт-логистика инфратузилмасини замонавий талабларга мувофиқ такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги кооперация алоқаларини янада кенгайтириш, юк ташиш ҳажмларини кўпайтириш ҳамда юкларни ўз вақтида ва узлуксиз етказиб бериш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида амалга оширилмоқда.

Бунга сабаб Ўзбекистон Республикасида ривожлантирилиши зарур бўлган муҳим устувор соҳалар белгилаб олинган: Буларга:

- саноат;
- қишлоқ хўжалиги;
- йўл транспорти;
- қурилиш;
- коммуникацион-ахборот соҳалари киради.

Умуман олганда саноат тармоқлари ва корхоналарининг ҳар бир бўғини мамлакатимиз иқтисодиёти ва ижтимоий соҳаларининг жадал ўсиш суръатларини белгилаб берди. Бунинг натижасида аҳоли даромадлари ва яшаш даражаларини олдинги давр билан таққосланганда фаровонлик бир неча ўн баробарга ўсганлигини ифодалаб берди десак муболаға бўлмайди.

1.2. Саноат тармоқлари ва уларнинг инфратузилмаларини ривожланишининг назарий жиҳатлари.

Маълумки, саноат - бу ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, у объектив реаллик (борлик)нинг иникоси ва юксак умумлашмасидир. Унинг алоҳида тармоқ, яъни ижтимоий ишлаб чиқаришнинг алоҳида соҳаси бўлиб юзага келиши ишлаб чиқариш кучлари ва ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожланиши билан тарихий жиҳатдан боғлиқдир.

Саноат ҳам объектив борлиқнинг муҳим ҳодисалари қаторида маълум давр(вақт ва фазо)да дунёга келган, муайян қонун ва қоидалар асосида ривожланган, маълум миқдор ва сифатларга, зарурият ва имкониятларга эга бўлган ҳамда зиддиятлар қурбони ҳам бўлган.

Ўзбекистон саноати ҳам ўз тараққиёти жараёнида бир қатор босқичларни босиб ўтган. Энг аввало, уй хўжалиги, сўнгра ҳунармандчилик, яъни хонаки саноат, кооперация, мануфактура, фабрика каби шакллари юзага келган. Бу ерда касаначилик, ҳунармандчиликнинг жуда кўп турлари, яъни кулолчилик, дурадгорлик, тоштарашлик, бинокорлик, ўймакорлик, каштадўзлик, кўнчилик, тўқувчилик ва тикувчилик, темирчилик, мисгарлик ва заргарлик, зардўзлик, бўёқчилик, тунукасозлик ва бошқалар кенг тарқалган.

Бугунги кунга келиб саноат тармоқларининг сони кўпайиб қадимий анъаналаримизни сақлаган ҳолда янгидан - янги саноат тармоқлари ва уларга хизмат қилувчи инфратузилмаларнинг барпо этилиши мамлакатимиз иқтисодиётини юксалишига ўз таъсирини кўрсатиб жаҳон мамлакатлари ўртасида ўз нуфузи ва ўрнига эгаллиги билан алоҳида эътиборга моликдир. Биргина автомобилсозликни ўзини оладиган бўлсак, 230 дан ортиқ мамлакатлар ичида атиги 28 та мамлакат бу борада ўзаро рақобатлашиб келаётган бир паллада Ўзбекистон 29 – мамлакат бўлиб кириб келиши дунёнинг кўплаб мамлакатларида ҳали бу борада гап-сўз бўлиши ҳаёлига ҳам келмаган даражада “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган”- деган брент айрим давлатларни хайратга солгани бугун ҳеч кимга сир эмас.

Юртимизда барча соҳаларда бўлгани каби иқтисодиёт соҳаларини ислоҳ этилиши самараси ўлароқ илм талаб, фан талаб соҳаларнинг ҳам ривожланиб бораётгани қувонарлидир. Ўзбек халқининг ўтмиши маданияти дунё цивилизацияси учун бешик бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон саноатининг комплекс тармоқлари ва уларнинг сон ва сифат жиҳатдан янгиланиб бориши мамлакат иқтисодиёти ривожланиб боришини таъминлаб келмоқда. Ўз навбатида бу биринчи галда янги иш ўринларини

яратилишини шунингдек, аҳолини даромадларини ва фаровонлигини таъминлаш каби ижтимоий жиҳатларни қамраб олганлиги билан ҳам изоҳланади(1.2.1-жадвал).

1.2.1-жадвал

Ўзбекистон саноатининг комплекс тармоқлари ҳақида м а ъ л у м о т

№	Комплекс тармоқлари	Комплекс тармоққа кирувчи тармоқлар сони
1	Электро-энергетика саноати	3
2	Кўмир саноати	2
3	Газ саноати	2
4	Нефт ва нефтни қайта ишлаш	2
5	Қора металлургия	2
6	Рангли металлургия	4
7	Машинасозлик ва метални қайта ишлаш	40
8	Кимё ва нефт-кимё саноати	12
9	Ўрмонсозлик, ёғочни қайта ишлаш ва қоғоз саноати	3
10	Қурилиш материаллари саноати	14
11	Ойна ва чинни-фаянс саноати	2
12	Микробиология саноати	12
13	Медицина (фармацевтика) саноати	3
14	Полиграфия	1
15	Енгил саноат	18
16	Озиқ-овқат саноати	22
17	Ун, ёрма ва ем саноати	3
18	Қолган тармоқлар	21

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумоти.

Тарихий манбаларга кўра ҳунармандчилик (“Хонаки саноат”) бронза асрида деҳқончиликдан ажралиб чиққан. Милоднинг дастлабки асрларида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида анчагина ҳунармандчилик марказлари ташкил топган. IX-X асрларда ип, мато, гилам бўйича Хива ва Шош, мис ва темирдан

аслаҳа, пичоқ тайёрлаш бўйича Фарғона, шойи матолар, шиша маҳсулотлар тайёрлаш бўйича Бухоро дунёга танилган.

XII-XIII асрларда ривожланиш пасайиб, Темурийлар давлатининг вужудга келиши билан ҳунармандчилик янада ривож топган. Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз каби шаҳарларнинг ишлаб чиқариш муносабатларида ҳунармандчилик алоҳида аҳамият касб этган. XIX аср охирига келиб, Ўзбекистонда ҳунармандчиликнинг 30 га яқин тури ривож топган. XX аср бошларида эса ҳунармандчиликнинг асосий қисми артелларга, кейинчалик завод ва фабрикаларга, бадий буюмлар корхоналарига айлантирилган.

XVIII асрнинг 60-70-йилларида Англияда рўй берган саноат тўнтарилишидан кейин Ўзбекистонда аста-секин мануфактурадан машиналашган индустрияга ўтиш бошланди. Хомашёга бирламчи ишлов берадиган саноат соҳалари (пахта тозалаш, ипак тортиш, вино, консерва, мой заводлари) вужудга келди.

XX асрда Ўзбекистон саноатида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Агар аср бошларида саноат маҳсулотининг энг муҳим турларидан 5-10 хили (пахта толаси, хом ипак, ўсимлик мойи, узум виноси, ғишт, ганч ва бошқалар) ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирги пайтда юзлаб ва минглаб турлари тайёрланмоқда.

Саноат ишлаб чиқаришининг тарихий ривожланиши ва унинг асосий яқунлари тўғрисида сўз юритилганда шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида “Уй хўжалиги”нинг ривожи бундан 12-15 минг йил муқаддам мезолит даврида бошланган. Бу даврда жуда оддий меҳнат қуроллари ва буюмлари тайёрланган.

Янги тош асри (неолит, милоддан аввалги 5-минг йилнинг боши) даврида кемачилик, тўқимачилик вужудга келган. Неолит даврининг охирида металлдан қурол ясаш бошланган.

Археологик топилмалардан маълум бўлишича, милoddан аввалги 3 минг йилнинг охиридаёқ ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган аҳоли мисдан қурол ясашни билган.

Қулдорлик тузуми (м.а. 1-минг йиллик ўрталари V аср) даврида меҳнат қуролларининг тараққий этиши, металлга ишлов беришнинг такомиллашуви ҳунармандчиликнинг ўсишига, айирбошлаш ва савдо-сотиқнинг кучайишига олиб келди.

Феодализм тузумининг бошларида (VI-VIII асрларда) Фарғона билан Сўхдан олтин, мис, темир, Шаҳрисабзда тоштурули қазиб чиқарилган.

IX асрда Самарқанд ўзининг сифатли қоғози ва лампа шишаси билан машҳур бўлган. Шош вилояти эса қўнчилик маҳсулотлари билан дунёга донг таратган. Ўша даврда Ўрта Осиёдан Шарқий Европа, Хитой ва бошқа юртларга Буюк Ипак йўли орқали чарм, мато, ипак, жун, кийим-кечак чиқарилган.

X-XIII асрларда юз берган феодал тарқоқлик, қабила ва элатлар ўртасидаги низоларнинг авжига чиқиши билан ҳунармандчиликда джарли йирик ўзгаршлар рўй бермаган.

XIV асрнинг иккинчм ярмида Амир Темур Самарқандда ҳокимиятни қўлга киритиб, марказлашган давлатга асос солди, натижада давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий раvниқига катта йўл очилди.

XV асрнинг охирига келиб Моварауннаҳрда юзага келган зиддиятлар туфайли Темурийлар давлатининг иқтисодий негизига путур етди ва ривожланиши тўхтаб қолди.

XVI-XVIII асрларда Бухоро, Хива, Қўқон хонликларининг вужудга келиши иқтисодиётнинг, шу жумладан, саноат ишлаб чиқаришининг ривожланишига ижобий таъсир қўрсатди ва XIX асрга келиб Туркистонда ҳунармандчиликда ёғоч ва металл ўймакорлиги, идишларга нақш солиш, матоларга гул босиш, қуролларни бадий безаш ривожланди. Бу асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон ҳудудида тараққиёт тезлашиб саноат, айниқса ип-газлама саноати тез суръатлар билан ривожланди.

XX аср бошларида бир қанча пахта тозалаш, ёғ-мой заводлари қурилиб ишга туширилди. 1925-1926 йилларда электростанциялар қурила бошланди ва биринчи бўлиб Тошкент яқинида қурилган Бўзсув гидроэлектростанцияси 1926 йил 1 майда ишга туширилди.

Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Термиз ва Асака шаҳарларида иссиқлик электростанциялари қурилиши бошланиб, 1930 йилда уларнинг сони 30 тага етди. Ўсиб бораётган энергетика базаси бир қанча янги саноат корхоналарини қуришга имкониятлар яратди.

Иккинчи жаҳон урушигача бу ерда 500 дан ортиқ саноат корхоналари жумладан, “Ташсельмаш”, Тошкент тўқимачилик комбинати, Чирчиқ-электрокимё комбинати, Каттакўрғон ёғ заводи, Бекобод ва Қувасой цемент корхоналари қурилди. Нефт ва рангли нодир металллар қазиб чиқариш, қурилиш саноати маҳсулотларини тайёрлаш ривожланди.

Уруш бошланиши билан мамалакатдаги сиёсий вазиятдан келиб чиқиб, республика халқ хўжалиги, жумладан, саноат ишлаб чиқариши ҳарбий мақсадларга қаратилди. Бу ерга немис фашистлари эгаллаб олган ҳудудлардан 100 га яқин саноат корхоналари кўчириб келтирилди ва улар қисқа вақт ичида тўла қувват билан ишлай бошлади.

1941-1945 йиллар давомида республиканинг саноат тараққиёти ГЭС лар қуриш билан энергетика базасини кучайтириш, қишлоқ хўжалиги, аҳоли ва фронт эҳтиёжларини қондирадиган завод ва фабрикаларни қуриш йўлидан борди. Бу даврда 280 та йирик, ўрта ва кичик корхоналар қурилиб ишга туширилди. Натижада Ўзбекистон армиянинг саноат арсеналларидан, яъни аслаҳахоналаридан бирига айланди.

Урушдан кейинги йилларда ҳам саноат тараққиётига эътибор қаратилгани сабабли унинг бир қанча янги тармоқлар ва уларнинг корхоналари вужудга келди. Тракторсозлик, лифтсозлик, электротехника саноати, газ ишлаб чиқарш, уй рўзғор буюмлари тайёрлаш, йиғма темир-бетон ва керамика саноати вужудга келди.

Енгил саноатнинг трикотаж, чинни ишлаб чиқариш соҳалари пайдо бўлди. Озиқ-овқат саноатининг таркибий қисмларида анчагина ўзгаришлар бўй берди. 90-йилларга келиб республикамызда йирик ва ўрта корхоналар сони 300 дан ортиб кетди.

Саноат тараққиётида ёқилғи – энергетика мажмуасининг ўрни алоҳида эътиборга молик. Унинг таркибига энергетика, нефт ва нефтни қайта ишлаш, газ ва газ конденсати, кўмир қазиб олиш ва бошқа бир қатор кичик соҳалар киради.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси жаҳондаги 10 та газ ишлаб чиқарувчи мамлакатлар жумласига киради. Бу ерда қудратли иссиқлик ва гидроэлектрстанциялар мавжуд.

Энергетика республика миллий иқтисодиётининг негиз тармоғи бўлиб, мамлакатда иқтисодиёт ва фан-техника тараққиётининг мустақкам пойдевори ҳисобланади. Ўзбекистон энергетика тизими умумий ўрнатилган қуввати 11,7 млн кВт бўлган 37 иссиқлик ва гидравлик электр станциялари йилига 55 млрд. $\frac{\text{кВт}}{\text{соат}}$ дан ортиқ электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятига эга.

Ўзбекистон энергетика тизимининг барча кучланишлардаги электр тармоқларининг умумий узунлиги қарийб 228 минг км. ни ташкил этади. Тармоқ трансформаторларининг умумий қуввати 42,6 МВА га тенг. Ҳозир республика энергетика тизимида 70 минга яқин ходим ишлайди.

Бугун Ўзбекистонда бир кунда 136 млн. киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда. Бу 1913 йилда ҳосил қилинган электр энергиясига нисбатан 100 марта кўп демакдир.

Республика ёқилғи саноати ер қарида топилган ва қазиб олинаётган кўмир, нефт, газ конлари негизда шаклланган ва ривожланиб бормоқда. Республикада 160 га яқин нефт ва газ конлари очилган, уларнинг 115 таси Бухоро ва Хива геологик провинциясида, 27 таси Фарғона водийси, 10 таси Сурхондарё, 7 таси Устюртда жойлашган. Ҳозир 71 нефт, газ ва газ конденсат конлари, 2 кўмир конидан фойдаланилмоқда. 50 дан ортиқ нефт,

газ ва газ конденсат кони эса келажакда ишга тушириш учун тайёрлаб қўйилган.

Ёқилғи саноати республика ёқилғи-энергетика мажмуасининг асосий тармоғи бўлиб, бу барча турдаги ёқилғини қазиб олиш, табиий газни тозалаш ва етказиб бериш, нефт маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналаридан иборат бўлиб, иқтисодиётнинг барча бўғинларида хизмат кўрсатади. Унинг йирик корхоналари Тошкент, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида жойлашган.

Нефт саноати ёқилғи саноатининг энг муҳим тармоқлардан бири ҳисобланади ва нефтни қайта ишлаш корхоналарининг йиғиндисидан ташкил топган. Ҳозирги даврда саноатнинг бу тармоғи мамлакат иқтисодиёти ва аҳолининг нефтга бўлган талабини тўла қондириш имкониятига эга. Шу сабабдан ҳам мазкур тармоқнинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти беқиёсдир.

Нефтни қайта ишлаш саноати соҳасида бугунги кунда Олтиариқ, Фарғона, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводлари ишлаб турибди. Фарғона заводи ёғлаш мойлари ва ёқилғи ишлаб чиқаришга ихтисослашган ишлаб чиқариш бўйича 30 дан ортиқ технологик қурилмаларга эга.

Олтиариқ нефт заводи эса ёқилғи йўналишида Кўкдумалоқ нефт-газ кони очилгандан кейин Франциянинг ТЕКНЕП фирмаси билан ҳамкорликда 1993 йилдан Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши бошланди ва бир йилда 2,5 млн. тонна газ конденсатини қайта ишлаш қувватига эга бўлган биринчи навбати 1997 йилнинг августида ишга туширилди.

Нефтни қайта ишлаш заводларида юқори октанли бензин, дизел ёқилғиси, кокс, парафин, мотор мойларига қўшилмалар, енгил машиналар учун мотор ва сурков мойлари (компрессор, турбина, урчук мойлари), керосин, битум, суюлтирилган нефт газлари (бутан, техник пропан ва бошқалар.), мазут каби 50 турдан ортиқ нефт маҳсулотлари ишлаб

чиқарилади. Янги маҳсулот турлари ишлаб чиқариш дастурига мувофиқ эса янги технологиялар ўзлаштирилмоқда.

Ҳозирги даврда республикамиз нефт саноати корхоналарининг қуввати бир йилда 11 млн. тонна нефтни қайта ишлаш имкониятига эга.

Газ саноати - ёқилғи-энергетика мажмуасининг энг ёш, жуда ривожланган соҳаси ҳисобланади. Газ ёқилғининг жуда арзон тури, иқтисодиётнинг барча соҳаларида кенг фойдаланиш имконияти борлиги, экологик жиҳатдан ҳам устунлиги туфайли унга бўлган талаб кундан-кунга ўсиб бормоқда. Агар 1940 йилда атиги 0,7 млн. м³ табиий газ қазиб олинган бўлса, ҳозирги пайтда у 58 млрд. м³ ни ташкил этади. Газнинг республикада қазиб олинаётган ёқилғи балансидаги ҳиссаси 90 фоизга яқинлашмоқда.

Республика нефт ва газ саноатини келгусида узоқ даврга мўлжалланган ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилган ва у изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Республикамиз бугунги кунда 2 млрд. тоннадан зиёд қидириб топилган кўмир захираларига эга. Кўмир қазиб олиш ва етказиб бериш ишлари билан “Кўмир” акциядорлик бирлашмаси шуғулланади. Ангрен конида кўнғир кўмир, Шарғун ва Бойсун конларида эса тошкўмир қазиб олинади. Кўмир конлари корхоналар томонидан турли усулларда ўзлаштирилмоқда, яъни, очик усулда, ер ости ва ер остини газлаштириш усули билан (Ноу-хау).

Кўмир шунингдек, энергетика мақсадларида ва маиший ёқилғи сифатида ҳам ишлатилади. Кўмирни қайта ишлашдан чиққан чиқинди эса органик ва минерал ўғитларга айлантирилади.

Конлардан чиққан кўмирлар сифатли ёқилғи, қимматбаҳо ҳамда камёб материалларнинг турли хилларини олиш учун хомашё ҳисобланади. Масалан, кокс брикети, мотор ёқилғиси, калций карбиди ҳамда сорбент қора ва рангли металлургияда углеродли қўшимчалар сифатида ишлатилади.

Кўмир қазиб олиш жараёнида каолин, оҳак, кварц қумлари, кўмир кукуни, камёб ер элементи (германий), шағал ва бошқа фойдали қазилмалар ҳам олинади.

Яхши хом ашё кўпдан синалган эркин майдонларнинг бисёрлиги, сув ҳамда электр ва иссиқлик энергияси, темир йўлларнинг мавжудлиги, станцияларнинг яқинлиги ва халқаро аэропортлар борлиги ишлаб чиқариш – саноат мажмуасини барпо этишда қўл келади. Шунингдек, қазиб олинган ва бойитилган каолин, чинни фаянс ва сопол буюмлар, ўтга чидамли ва қурилиш ғишлари, том ёпқичлар, дренаж ва канализация қувурлари, хўжалик ва манзарали чинни буюмлар, шиша ва шиша идишлар, электр изоляторлари ҳам бу ишда ёрдам беради. Бундан ташқари, каолин қоғозсозлик, резина-техника, пластмасса саноатида, шунингдек, косметика ва бошқа мақсадларда ишлатиш учун хизмат қилади. Айни пайтда кўмирни қазиб олиш, навларга ажратиш ва бойитиш фабрикаси қурилиши изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон ҳудудининг геологик хусусиятлари қўшимча фойдали қазилмаларни ўзлаштириш ва уларни қайта ишлаш учун кенг имкониятлар яратади. Айниқса, ёнувчи сланец, оҳак, безакли тош конларини ўзлаштириш кўпчиликни қизиқтиради. Уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда оддий ҳисоб-китобларга кўра, энергетика, кимё, металлургия саноати, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги учун йилига 1 млрд. 400 млн. АҚШ доллари миқдорида тайёр маҳсулот олиш имкониятини беради.

Бундан ташқари, Ангрен каолинидан, Бойсун кўмири ва оҳагидан фойдаланиб туриб лойтупроқ заводини бунёд этиш мумкин. Ана шундай қулай омиллар ва барқарор вазиятлар хорижий ҳамкорлар билан ҳамкорлик ўрнатиш имкониятларини беради.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида рудадан металл олиш 4-5 минг йилдан зиёд тарихга эга, қадимда эса мисдан турли буюмлар тайёрланган. Кейинроқ рудадаги металллардан қалай, кумуш, олтин ва бошқаларни эритиш, қуйиш ва қиздириб ишлаш ўзлаштирилган, шунингдек дастлабки танга пуллар зарб қилинган.

Илк ўрта асрларда Фарғонада, Зарафшон, Чирчиқ, Оҳангарон водийларидаги бир қанча ҳудудларда заргарлик, мисгарлик, темирчилик,

ривожланган. Рух, сурма, маргумуш, висмут, кобалт каби рангли металллар маълум бўлмаса-да, уларнинг қотишмаларидан кенг фойдаланилган.

Қора металлургия соҳасида фаолият кўрсатадиган ягона корхона Бекобод шаҳридаги Ўзбекистон металлургия заводи бўлиб, бу ерда қора металлургия маҳсулотларининг энг муҳим турлари (пўлат ва пўлат прокатлар) ишлаб чиқарилади. Улар темир - терсак, металл чиқиндиларидан қайта ишлаш асосида олинади.

Бизга маълумки, Ўрта Осиёдаги биринчи замонавий металлургия заводи қурилиши умумхалқ ҳашари йўли билан 1942 йилда бошланиб, 1944 йилнинг 5 мартида улардан дастлабки металл эритмаси олинган.

Рангли металлургия - республика металлургиясининг энг муҳим, етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Республикамизда саноатнинг ушбу тури XX асрнинг 25-йилларидан ривожлана бошлади. Аста-секин рангли, нодир ва қимматбаҳо металл (мис, қўрғошин, рух, вольфрам, молибден, кумуш, олтин, симоб) конлари топилди.

Рангли металллар сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш жараёнларини интенсивлаштириш, турли фойдали қазилмаларнинг янги конларини ўзлаштириш ҳисобига рангли металлургия ишлаб чиқаришини ривожлантириш мўлжалланмоқда, шу билан бирга, янги фабрика ва конлар барпо этилади.

Археологик топилмалардан маълумки, Марказий Осиёда, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ерларида олтин қазиб олиш ва ундан турли тақинчоқлар, заргарлик буюмлари, безаклар яшаш милоддан аввал VI-V асрлардаёқ мавжуд бўлган. Эркин учрайдиган (туғма) олтин конларини ўзлаштиришга қадар олтин асосан сочма конларда жуда ибтидоий усулларда олтин зарралари аралаш қумни қўй териси қопланган ёғоч тоғораларда ювиб, ажратиб олинган.

Сочма олтин олиш X-XI асрларда Чотқол, Чирчиқ, Норин, Косон, Сўх, Зарафшон, Дарвоз дарёлари водийларида олиб борилганлаги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Ўрта асрларда олтинли қумларни ювиш билан бирга мўғуллар босқинига кадар Чотқол-Қурама, Нурота тоғларида, марказий Қизилқумдаги конлардан туғма олтин кон лаҳмлари ҳозиргача сақланиб қолган. Ўзбекистонда маълум бўлган конларнинг кўпчилигидан қадимги кончилар қисман фойдаланганлар.

Ўзбекистоннинг минерал хомашё бойликларини аниқлаш, уни қазиб олиш ва асосий қисмини Марказга ташиб кетиш Октябрь тўнтаришидан кейин ҳам давом этган. Ноёб металл конларини қидириб топиш ва ундан фойдаланиш муаммоларини ҳал қилиш ишларида марказий илмий муассасалар фаол иштирок этдилар.

30-йиллар бошида “Ўзбеколтинноёбмет” трести ташкил этилди. Ўша йиллари Оҳангарон, Чирчиқ дарёлари водийларида, Қурама тоғларида олтин изловчилар олтинни қумни ювиш усулида ажратиб олганлар, аммо йиллик олтин олиш бир неча ўртача 10 килограммдандан ошмаган. Кейинчалик ўша жойларда рудали олтин конлари топилиб, ишга солинди.

1941-45 йиларда олтин изловчилик (артел) йўли билан олтин ажратиб олиш жадал олиб борилди, олинган йиллик олтин миқдори қарийб 50 кг. га етди. 1950 йилда сочма олтин излаш ишлари тўхтатилди. Рудали олтин излаш ва қидирув бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида Қорақўтон, Бичанзор, Пирмуроб, Ғўсаксой, сўнгра Кўчбулоқ, Мурунгов, Чормитон, Маржонбулоқ, Каулди, Қизилолмалисой, Сармиш ва бошқа рудали олтин конлари топилди. 1965 йилда Металлургия вазирлигига бўйсинувчи “Ўзбеколтин” бирлашмаси ва бошқа олтин қазиб олиш корхоналари ташкил этилди. Бирлашма қазиб олган флюс рудаларидан Олмалик кон металлургия комбинатининг кимё эритиш заводида олтин ажратиб олиш йўлга қўйилди.

1970 йил вилоятимизда Чодак олтин кони ишга туширилди. Ўша вақтдан республикаимизда олтин қазиб олиш саноати шаклланди, олтин олиш олдинги йилларга нисбатан уч марта кўпайди. 1972 йилда Кўчбулоқ кони ва Ангрен олтин ажратиш фабрикаси лойиҳа қувватларида ишлай бошлади. 1980 йил Маржонбулоқ олтин қазиб олиш мажмуи, 1989 йилда эса Зарафшон ва Қизилолмалисой конлари фойдаланишга топширилди.

Республика мустақилликка эришиши билан Ўзбекистон ҳукумати узоқ йиллар давомида собиқ Иттифоқи ихтиёрида бўлган олтин қазиб олиш саноатини республика мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш бўйича бир қанча ташкилий чоралар кўрилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида яъни, 1992 йил “Ўзбеколтин” бирлашмаси негизида Ўзбекистон Республикасининг Қимматбаҳо металллар Давлат Қўмитаси ташкил этилди. Мазкур қўмита 1994 йил Ўзбекистон олтин қазиб олиш ва олмосга ишлов бериш корхоналари уюшмаси (“Ўзолмосолтин”)га айлантирилди. Айти пайтда “Ўзолмосолтин” уюшмаси (Тошкент шаҳрида) ва бошқарувчиси Навоий шаҳрида бўлган “Қизилқум-камёбметалолтин” концерни фаолият кўрсатмоқда.

“Ўзолмосолтин” уюшмаси таркибида айти пайтда Ангрен, Маржонбулоқ (Жиззах), Чодак (Наманган), Зармитон (Самарқанд) олтин қазиб олиш конлари, олмос қирралаш фабрикаси (Тошкент вилояти) ва бошқа ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

Республикада олтин қазиб олиш саноатининг иккинчи йирик маркази “Қизилқумкамёбметалолтин” концернининг бош корхонаси – Навоий кон металлургия комбинати ҳисобланади. Комбинат Мурунгов ва бошқа олтин конларини ишга тушириш мақсадида 1958 йилдан бошлаб курила бошланган.

Унинг асосий ишлаб чиқариш қувватлари Зафаробод, Нуробод, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарларида жойлашган, шунингдек янги қувватларни ишга тушириш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Зарафшонда 1993 йилда ташкил этилган олтин қазиб олиш бўйича Ўзбекистон- АҚШ “Зарафшон-Ньюмонт” қўшма корхонаси 1995 йилнинг май ойидан маҳсулот бера бошлади.

Буюк Британиянинг “Лонро” фирмаси билан ҳамкорликда Марказий Қизилқумда олтин рудалари кони ишга туширилди ва олтин ажратиб олиш бўйича катта корхона - “Аматайти Голдфильдз” қўшма корхона лойиҳаси амалга оширилди.

Республикада 40 та олтин кони аниқланган бўлиб, ҳозир бу конларнинг фақат 12 тасидан олтин қазиб олинмоқда. Олтиннинг асосий заҳиралари Марказий Қизилқумдаги олтин конларида мужассамлашган. Шу билан бирга ўзбек олтини жаҳоннинг энг юқори сифат стандартларига мос бўлиб, тўртта тўққиз рақами билан баҳоланади ва у охириги 20 йилда рекламация олгани йўқ. Сўнгги йилларда у сифати учун бир неча бор халқаро совринлар билан тақдирланди.

Евроосиё континентида энг катта ҳисобланадиган ва руда таркибида олтин кўп бўлган Мурунгов кони дунёдаги гигантлар жумласига киради. Ушбу коннинг топилиши халқаро геология жамоатчилиги томонидан олтин қазиб чиқариш бўйича XX аср иккинчи ярмининг энг катта кашфиёти деб эътироф этилди.

Мамлакат мустақиллигининг дастлабки йилларида инфратузилмаси юқори даражада ривожланган Самарқанд ва Тошкент вилоятларида олтин рудали конлар аниқланди ва қидирилмоқда. Дунёнинг энг йирик олтин рудали провинцияси бўлган Қизилқумдаги Мурунгов билан бир қаторда Ажибугут, Булуткон, Балпантов, Аритонтов, Турбай ва бошқа янги конлар аниқланди ва ўрганилди.

Ҳозирги Ўзбекистоннинг олтин заҳиралари дунёнинг энг машҳур ва ишончли банкларида сақланмоқда. Улар орасида немис “Дойче банк”и ва Швейцариянинг “ЮБС” банкларии бор. Республика ҳукумати катта даромад олиш учун бу олтинни маълум вақтга валютага айлантирмоқда. Аҳамиятли томони шундаки, олтин заҳираларини гаровга олиб, Ўзбекистонга стратегик иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш учун кредитлар ажратилмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, республикамизда олтин қазиб чиқариш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилди. Натижада Ўзбекистон олтин қазиб чиқариш бўйича дунёда еттинчи ўринга, МДХ да эса иккинчи (Россиядан кейин) ўринга чиқиб олди. Аҳоли жон бошига олтин ишлаб чиқариш ҳажми бўйича Ўзбекистон МДХда биринчи ва дунёда бешинчи ўринда туради.

Республикаимиз худуди шунингдек, кумуш конларига ҳам эгадир. Булар Навоий вилоятидаги Високоволное, Ўқжетпес, Космоначи ва Наманган вилоятидаги Октепа конларидир. Катта миқдордаги тасдиқланган захиралар олтин ва мис-порфир конларида мавжуд. Октепа кони кумуш қазиб чиқариш бўйича энг истиқболли ва чет эллик инвесторлар учун жозибали конлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда қимматбаҳо металллар ишлаб чиқариш билан бир қаторда уран ҳам қазиб олинади. Уни олиш учун минерал хомашё базаси ҳам мавжуддир. Уран энг самарали ва экология нуқтаи-назаридан оптимал ҳисобланган усул - ер остида ишқорлар ювиш усули билан олинади.

Мис, қўрғошин-руҳ саноати асосан Оҳонгарон-Олмалик кон саноати районида Қўрғошинкон-Олтинтопган полиметалл конлари, Қалмоққир мис конлари негизида шакллана бошлаган. Ушбу саноат тармоғининг етакчи корхонаси тугал металлургия циклига эга бўлган Олмалик кон металлургия комбинати ҳисобланади.

Комбинатнинг мис мажмуаси Қалмоққир мис кони, руда бойитиш фабрикаси, металлургия заводидан, қўрғошин - руҳ мажмуаси Қўрғошинкон, Олтинтопган, Чалага ва бошқа конлар, руда бойитиш фабрикаси, металлургия заводларини ўз ичига олади. Улар асосан тозаланган мисни экспорт қилмоқда.

Ҳар йили бир неча ўн минг тонна мис ишлаб чиқараётган Ўзбекистон мис заҳиралари бўйича дунёда 10-ўринда туради. Руда конидаги рангли металллар қатламлари асосан Тошкент вилоятининг Олмалик рудали майдонида жойлашган. Бу ердаги учта конда бир неча мис заҳиралари бор деб тахмин қилинмоқда.

Вольфрам, молибден, литий саноатининг йирик корхонаси Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўта чидамли Чирчиқ металллар комбинати ҳисобланади. Комбинат ингичка вольфрам (Самарқанд) ва Қуйтош вольфрам, молибден (Жиззах) конлари рудалари ҳамда мис рудаларидан ажратиб олинadиган молибден негизида ишлайди. Комбинатда биринчи молибден

қуйилмаси 1956 йили олинган. 1957 йилдан эса қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш бошланган. 100 турдан ортиқ турдаги комбинатнинг маҳсулотлари электротехника, пўлат эритиш соҳаларида кенг қўлланилади.

Кимё саноатининг шаклланиши 1932 йилда Фарғонада Шўрсув олтингугурт конининг ишга туширилиши билан бошланган. Мазкур корхона собиқ Иттифок даврида мамлакат бўйича ишлаб чиқариладиган олтингугуртнинг 57 фоизини берган. Кимё саноатининг энг йирик корхоналарига Чирчиқ электр кимё комбинати, Навоий кимё бирлашмаси ва Қўқон суперфосфат заводлари киради.

Кимё саноатининг асосий тармоқларидан бири - бу минерал ўғитлар ишлаб чиқариш соҳасидир. Унда қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган аммафос, аммиак селитраси, аммоний сульфат, суперфосфат, карбонит, суюлтирилган аммиак, азотли ва фосфорли ўғитлар ишлаб чиқарилади.

Чирчиқ кимё комбинати, Фарғона азотли ўғитлар, Навоий кимё бирлашмасида асосий турдаги азотли ўғитлар, Қўқон суперфосфат заводи, Самарқанд кимё заводи, Олмалиқ “Аммафос” бирлашмасида аммофос, оддий ва аммонийлашган суперфосфат, қумоқ аммоний каби фосфорли ўғитлар ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистон кимё саноати корхоналари бир йилда 736 минг тонна азотли, 117 минг тонна фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш қувватига эга. Кимё саноатида минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажми республика қишлоқ хўжалик эҳтиёжларини тўла таъминлайди, уларнинг бир қисми четга чиқарилади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида калий ўғитларга бўлган йиллик эҳтиёж асосланган меъёрлар бўйича (100 фоиз озиқ модда ҳисобида) 800 минг тоннадан иборат. Қашқадарё вилоятидаги калий тузлари конларини ўрганиш ва унинг негизида калий ўғитлар ишлаб чиқарадиган Тубагатон калий заводи қурилиши режалаштирилмоқда.

Сульфат кислотаси кимё саноати тармоқлари учун муҳим хомашёдир. Республикамизда сульфат кислота ишлаб чиқарадиган йирик қувватлар

Олмалиқ “Аммофос” бирлашмаси, Самарқанд кимё заводи, Навоий кон-металлургия комбинати, Муборак газни қайта ишлаш мажмуасида барпо этилган.

Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари (дефолиант, десикат, гербиций, инсектицид, фунгицидлар) “Фарғонаазот” бирлашмасида (1965 йилдан магний хлорот дефолианти), Навоий кимё заводида (1960 йилдан гербицитлар, инсектицидлар) ишлаб чиқарилмоқда. Бу корхоналарнинг йиллик қуввати магний хлорит дефолианти бўйича 60 минг тонна, гербицит ва инсектицитлар бўйича 5 минг тоннадан ортиқдир.

Республика қишлоқ хўжалигида ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан кимёвий ҳимоя қилишда қўлланиладиган олтингугурт кукуни Шўрсув кон-кимё корхонасида ҳамда Муборак газ мажмуасида ишлаб чиқарилади. Маҳаллий ресурслардан олтингугурт ишлаб чиқаришни йилига 50 минг тоннага етказиш режалаштирилган.

Кимёвий толалар ва иплар хилма-хил халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. “Электрокимёсаноат” ишлаб чиқариш бирлашмасида капролактама (йиллик қуввати 80 минг тонна), Фарғона кимёвий толалар заводида ацетат иплар, “Навоийазот” бирлашмасида нитрон акрил толалари (йилига 40 минг тоннадан кўпроқ), “Фарғонаазот” бирлашмасида целлюлоза ацетати (йиллик қуввати 42 минг тонна) ишлаб чиқарилади. Фарғона фуран бирикмалари заводида целлюлоза мустақиллигини таъминлаш бўйича пахта линтидан йилига 30 минг тонна целлюлоза ишлаб чиқаришга ихтисослашган қувватлар барпо этилмоқда.

Кимё саноатида гидролиз корхоналари урушдан кейинги йиллардан курила бошланди. Фарғона фуран бирикмалари, Янгийўл биокимё, Андижон гидролиз заводларида асосий хомашё – чигит шулхаси, шоли қобиғидан техник этил спирти, фурфурол, озуқа ачитқилари (хамиртуришлар), фурил спирти, ксилит, лапрол, катализаторлар ва бошқа маҳсулот ишлаб чиқарилган. 90-йиллар бошида ушбу заводларда ғалладан озиқ-овқат (этил) спирти ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Андижон биокимё заводида йиллик қуввати 915 минг дал. Қўқон ишлаб чиқариш бирлашмасида эса 1800 минг дал. этил спирти ишлаб чиқарадиган янги қувватлар ишга туширилди. Натижада озиқ-овқат, тиббиёт, атир-упа ва бошқа саноат тармоқларини республикаимизнинг ўзида ишлаб чиқарилган спирт билан таъминлаш имконияти яратилди. Мазкур корхоналарда йилига 4 минг тоннага яқин карбон кислоталари ҳам ишлаб чиқарилади. Андижон биокимё заводида эса куруқ хлорелла биомассасини тайёрлаш йўлга қўйилган.

Резина маҳсулотлари Ангрен “Ўзбекрезинатехника” бирлашмаси ва Тошкент резинатехника маҳсулотлари заводида ишлаб чиқарилади. Илгари асосан махсус резина моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Ўзбекрезинатехника” бирлашмаси 1987 йилдан бошлаб халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди.

1992 йилдан бошлаб бирлашмада енгил автомобил шиналари тайёрлаш ўзлаштирилди. 1996 йилдан бошлаб эса йилига енгил автомобиллар учун 1,5 млн. дона юк автомобиллари учун 200 минг дона шина ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилди.

Юқоридагилардан ташқари, “Ўзбекрезинатехника” бирлашмаси ва кимё саноатининг бошқа корхоналарида (Самарқандкимё) калишлар ишлаб чиқариш 10 млн. жуфтга етди. Шунингдек, мазкур тармоқ корхоналари республика автомобил саноати учун резина-техника маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда.

Республика пластмасса ва пропилен маҳсулотларини қайта ишловчи (Оҳангарон “Сантехлит”, Жиззах пластмасса қувурлари заводи), турли маргадаги лак – бўёқ маҳсулотлари (Тошкент “Рангли лак” фирмаси - лак бўёқ заводи), мебел саноати учун синтетик смолалар (Фарғона фуран бирикмалари заводи), рўзғор кимёси маҳсулотлари (“Ўзрўзғоркимё” бирлашмаси, Олмалиқ рўзғор кимёси заводи, Наманган кимё заводи), Тошкент ёғ-мой комбинати таркибида синтетик ювиш воситалари ишлаб чиқарадиган йирик корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Айни пайтда йилига 125 минг тонна полиэтилен плёнкаи ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган Шўртан газ-кимё мажмуаси қурилмоқда.

Атир-упа маҳсулотлари “Лола” фирмаси (Тошкент), дори-дармонлар “Ўзкимёфарм” бирлашмаси (Тошкент кимё-фармацевтика заводи)да “Ўзфармсаноат” давлат акциядорлик концерни корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, тармоқдаги бир неча корхоналарда ғўзапоядан мебел ва қурилиши саноатида кенг қўлланиладиган ёғоч толали тахталар (оргалет) ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Истикболда кимё саноатини ривожлантириш фосфорит, целлюлоза, каустик ва калций содаси, калий ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя воситалари, толуол, полимерлар каби энг муҳим хомашё турлари бўйича республикамизнинг мустақилликка эришиш, маҳаллий хомашёдан маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш, чет мамлакатлардан олинаётган кимё маҳсулотларининг кўп қисмини, яъни асосий турларини республикада ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, хорижий технологиялардан фойдаланиш, экологик муаммоларни ҳал этиш, кимё саноатининг экспорт имкониятларини кенгайтириш йўналишларида ҳам кенг миқёсдаги ишлар олиб борилмоқда.

Кимё саноати корхоналарида Хитой, АҚШ, Япония, Германия ва Италия каби ривожланган давлатларнинг корхоналари билан ўзаро фан-техника, савдо-сотиқ соҳаларида ҳамкорлик йўлга қўйилган ҳамда хорижий шериклар иштирокида қўшма корхоналар ташкил этилмоқда.

Республика мустақилликка эришгунга қадар кимё саноати корхоналари ҳам бевосита собиқ Иттифоқ Кимё саноати вазирлиги томонидан бошқарилган. Ўзбекистондаги кимё корхоналари негизида 1991 йилда давлат концерни ташкил этилди. 1994 йилдан концерн “Ўзкимёсаноат” уюшмасига айлантирилди. Унинг таркибида 22 та ишлаб чиқариш корхонаси ва бирлашма, 8 та қўшма, 3 та илмий-тадқиқот, 1 та лойиҳа институтлари, ташқи савдо фирмаси ва ташкилотлар мавжуд.

Навоий шаҳридаги “Навоийазот” ишлаб чиқариш бирлашмаси мамлакатимиз кимё саноатидаги йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мазкур корхонада 260 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада тайёрланган маҳсулотлар эса 20 дан ортиқ мамлакатларга, жумладан, Венгрия, Покистон, Ироқ, Туркия, Ҳиндистон, Афғонистон, Россия, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркменистонга каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

“Навоийэлектркимё” заводи ҳиссадорлик жамияти мамлакатимиздаги энг йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Бу корхона ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий воситаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, бу ерда “Трилан”, “Фозалон”, “Которан”, “Гўзал”, “Циперматин”, “Буғдордир”, “Неорон”, “Данибол” ҳамда “Сумпалфс” сингари чет эл препаратларидан қолишмайдиган ўндан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Машинасозлик саноати - миллий иқтисодиёт учун машина ва механизмлар, жихозлар, агрегат ва аппаратлар, асбоб-ускуналар, маданий-маиший моллар, шунингдек, муҳофаа аҳамиятига эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи оғир саноат тармоқлари йиғиндиси бўлиб, бутун иқтисодиёт тармоқларини техника билан таъминлашда моддий асос бўлиб ҳисобланади.

Фан – техника тараққиёти, халқнинг моддий-маданий фаровонлиги ва мамлакат қуввати машинасозлик саноатининг тараққиётига бевосита боғлиқдир. Унинг аҳамияти, энг аввало, ҳозирги фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга ва инсонлар ҳаётининг барча соҳаларига жорий этиш асосида қўл меҳнатини машина меҳнатига айлантириш, тежамкорликни таъминлаш, енгиллаштириш ва меҳнатнинг мазмуни ҳамда характерини ўзгартиришдан иборат.

Машинасозлик саноати бевосита маҳсулот сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини юқори даражага кўтаришга имконият яратади. Машинасозлик саноатининг асосий вазифаларидан бири миллий

иқтисодиётнинг барча соҳаларини юқори унум билан ишлайдиган меҳнат куроллари, яъни меҳнат воситалари билан таъминлашдан иборатдир.

Ҳозирги кунда машинасозлик саноатининг 15 та тармоғи мавжуд бўлиб, улар тасарруфида 100 дан ортиқ йирик ва ўрта корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Унинг таркибида металл ишлаш соҳаси ҳам мавжуд бўлиб, бу соҳа ўз навбатида, металл буюмлар тайёрлаш, металл конструкциялар ҳамда машина ва асбоб-ускуналарнинг таъмирлаш тармоқларидан иборатдир. Бундай фаолият билан бугунги кунда 2,5 мингдан ортиқ корхоналар шуғулланмоқда.

Машинасозлик тармоқларига автомобилсозлик, самолётсозлик, тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги, электро-техникасозлик, асбобсозлик ва кабелсозлик каби йирик тармоқлар киради.

Автомобиль саноати ўз навбатида машинасозликнинг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, унинг корхоналарида автомобиллар, тиркама ва ярим тиркама юк ташиш мосламалари, автомобилларга эҳтиёт қисмлар, агрегатлар ва бошқа эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади. Шунингдек, мотоцикллар, мотороллерлар ҳамда велосипедлар ишлаб чиқариш корхоналари ҳам ушбу саноат таркибига киради.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги хусусида тўхталадиган бўлсак, 1931 йилда “Тошқишлоқмаш” заводининг биринчи навбати ишга туширилган бўлиб, бу ерда пахтачилик учун хилма-хил техникалар ишлаб чиқарилади ва ҳозирги пайтда ушбу тармоқ корхоналари қишлоқ хўжалиги учун машиналар тизимига тегишли барча машина- механизмларни етарли даражада ишлаб чиқармоқда.

Пахта тозалаш саноати машинасозлиги “Ўзбекпахтамаш” бирлашмасида жамланган бўлиб, унинг таркибида Тошкент машинасозлик заводи (бош корхона), Андижон “Тождметалл” заводи ва Каттақўрғон “Пахтамаш”, Чустдаги “Олмоспахтамаш” заводлари ҳамда Тошкент давлат махсус пахта тозалаш ускуналари конструкторлик бюrolари мавжуд.

Бу соҳанинг асосий маҳсулотлари – пахта тайёрлаш пунктлари, пахта тозалаш заводлари учун технологик қурилмалар, аррали ва жўвали (валикли) пахта толаси ажратиш (жун) машиналари, линтерлар, тола тозалагичлар, чигит саралаш ва тозалаш машиналари, транспортёрлар, ғарам бузгичлар, пахта узаткичлар, туннел очиш машиналари, пахта ғарамларини шамоллатиш ва чанг тутиш машиналари, шунингдек, канопни қайта ишлаш машина ва қурилмаларидан иборат бўлиб, жами 50 хил дан ортиқ маҳсулот турларини ўз ичига олади.

Республикамиз қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган саноатнинг кўплаб тармоқларига эга. Цемент, асбест-цемент, деворбоп материаллар, юмшоқ ёпқич ва гидроизоляция материаллари, табиий тошлардан қоплама материал (плита)лар, норуда қурилиш материаллари, қурилиш керамикаси, иссиқлик изоляцияси материаллари, оҳак, гипс, боғловчи материаллар ва улардан буюмлар, санитария-гигиена жиҳозлари, полимер хомашёдан қурилиш материаллари ва буюмлар, темир - бетон конструкциялари ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда табиий хомашёдан қурилиш материаллари сифатида фойдаланиш тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Айниқса бинолар қурилишида хом ғишт, гувала, ёғоч синч, оддий тупроқ(лой)дан, тикланадиган пахса асрлар давомида асосий қурилиш материали бўлиб келган. Хумдонларда пиширилган ғишт, сопол, чинни кошин, ганч, йўнилган гранит, мрамор тошлар сарой, мадраса, масжид, работлар қурилишида кенг қўлланилган.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон енгил саноати кўп тармоқли индустриал комплекс бўлиб, унинг таркибида пахта тозалаш заводларидан ташқари, тўқимачилик, трикотаж, шойи тўқиш, тикувчилик, кўнпойабзал, гиламчилик ҳамда атторлик моллари ишлаб чиқариш соҳаларида 150 та йирик ва ўрта корхоналар мавжуд.

Республика саноат маҳсулотлари умумий ҳажмида енгил саноат ҳиссаси 20 фоизни ташкил этади. Бу тармоқда айни пайтда 280 мингга яқин ходим иш билан банддир.

Енгил саноат тармоғининг энг муҳим соҳасидан бири бўлган пахта саноати корхоналарида ҳар йили 1,2 млн. тоннадан ортиқ пахта толаси, 100 минг тоннадан ортиқ линт, 22,5 минг тонна чигит, 200 минг тонна уруғлик чигит тайёрланади.

Тўқимачилик саноатини ривожлантириш мақсадида Россия, Италия, Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Корея ва бошқа ривожланган мамлакатлар фирма в компаниялари билан ҳамкорликда ип газламалар ишлаб чиқарадиган янги қўшма корхоналар ташкил этилмоқда.

Республикаимиз миллий иқтисодиётида озиқ-овқат саноати ўзига хос ўринни эгаллайди. Саноатнинг мазкур тармоғи асосан хомашёни қайта ишлашга асосланган бўлиб, тармоқда гўшт-сут, ёғ-мой, балиқ маҳсулотлари, ун-ёрма, нон, макарон, мева-сабзавот консервалари, қандолат, чой қадоқлаш, узум ва шампан виноси, спирт, ароқ, тамаки, пиво, чанқоқбосар ичимликлар, совун ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган кўплаб саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Республикаимиз мустақилликка эришганидан сўнг озиқ-овқат саноатида чуқур таркибий ва иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилди. Кўпгина корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилиб, очик турдаги акциядорлик жамиятларига айлантирилди, илгари тармоқ корхоналарига раҳбарлик қилган вазирликлар тугатилиб, улар негизида “Озиқовқатсаноат” давлат-акциядорлик концерни, “Ўзмевасабзавот-холдинг” компанияси, “Ўзгўштсаноат” давлат-акциядорлик уюшмаси, “Ўздонмаҳсулот”, “Ўзбалиқ” давлат-акциядорлик корпорациялари ташкил этилди.

II БОБ. “МЕХМАШ” АЖДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ БУГУНГИ КУН ТАҲЛИЛИ.

2.1. “МЕХМАШ” АЖнинг техник – иқтисодий кўрсаткичлари ва уларнинг умумий тавсифи.

"МЕХМАШ" акционерлик жамияти Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш қўмитаси Наманган вилоят бошқармасининг 1995 йил 7 декабрдаги 314/к-по сонли, давлат корхонасини очик акциядорлик жамиятига айлантириш тўғрисидаги буйруғига асосан ташкил этилган бўлиб Наманган шаҳар ҳокимининг 1995 йил 22 декабрдаги 12/1054-сонли қарори билан давлат руйхатидан ўтказилган жамиятдир. Акциядорлик жамияти ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқлариини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири асосида ва бошқа амалдаги қонунларига амал қилган ҳолда ташкил этилган.

Жамият Ўзбекистон ҳудудида ва хорижий давлатларда филиаллар ташкил этиши ҳамда ваколатхоналар очиш ҳуқуқига эга бўлиб у филиал ва ваколатхоналар бошқаруви жамият томонидан тайинланган шахслар томонидан амалга оширилади ва улар жамият берган ишончнома асосида иш кўради. Жамият бошқа мустақил ва тугалланган балансга эга бўлган ҳукукий ва жисмоний шахслар билан шартнома асосида иш бериш ва ишини бажариб бериш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадир. Мазкур жамият ҳозирги кундаги аниқ манзили Наманган вилоятининг Наманган шаҳри, Оромгоҳ кўчаси 27 - уйда жойлашган бўлиб, «МЕХМАШ» АЖ - деб номланади. Жамиятнинг бугунги кундаги асосий вазифаси бу пул - товар муносабатларининг ривожлантириш ва иш хизматларига бўлган ижтимоий эҳтиёжларини кондиритиш ва уларнинг реализацияси асосида келиб чиққан манфаатларини таъминлашдир.

Мазкур жамият юридик шахс ҳисобланади ва ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинган, алоҳида, жумладан унинг Устав фондига берилган мол-мулкига эга, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ

хуқукларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятларни олган ҳолда, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган ва юридик шахс хуқукларини қўлга киритган.

Шунингдек, жамият белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида банкда ҳисоб варақлар очишга ҳақлидир. Бу эса корхонанинг тўла қонли юридик мақомга эгаллигини ифодалайди.

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида жамият ўз олдига қуйидаги мақсад ва вазифаларни қўйган;

Жамиятнинг асосий мақсади фойда олишдан иборат бўлиб, қуйидаги фаолият турлари билан шуғулланади:

- халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш;
- махсус ускуналарнинг конструкторлик ва технологик ишларини бажариш;
- қишлоқ хўжалигига тегишли бўлган техника-механизм ва ускуналарини ишлаб чиқариш;
- буюртмаларга асосан ностандарт буюмларни ишлаб чиқариш;
- савдо-харид, тижорат ва воситачилик ишларини бажариш;
- қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш, олиб келиш ва сотиш;
- экспорт ва импорт амалиётларини амалга ошириш;
- чет эл ва МДХ; давлатлари билан белгиланган тартиблар асосида савдо, иқтисодий алоқалар урнатиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ҳамкорликда қўшма корхоналарни ташкил қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида таъқиқланмаган барча фаолият турлари билан шуғулланиш. Лицензия ва махсус рухсатнома талаб этиладиган фаолият турлари билан фақат лицензия олинганидан кейин шуғулланиш белгиланади.
- Жамиятнинг асосий вазифалари:
- фойдадан акциядорларга дивиденд ажратишни ва ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишни, корпоратив бошқарувни

такомиллаштиришни, жамиятнинг молиявий ва иктисодий ривожлантиришга қаратилган "БИЗНЕС РЕЖА"сини ишлаб чиқишни;

- ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги замонавий технологияни жорий қилиш, рақобатдош янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни жорий қилиш ва мавжуд ишлаб чиқариш биноларини реконструкция қилиш, янги лойиҳа асосида ишлаб чиқариш биноларини қуриш, бошқа жамиятларга қарашли биноларини сотиб олиш;
- ишлаб чиқаришни ISO сифат бошқарув тизими талаблари асосида ташкиллаштириш ва рақобат даражасига етказиш;
- ўз маблагларидан самарали фойдаланиш мақсадида мустақил корхоналар тузади ёки тузишда ҳамкорлик қилади;
- жамият ўз хўжалик фаолиятини амалдаги қонунлар ва Низомида белгиланган ваколатлар доирасида мустақил ташкил этади.

Жамиятнинг устав фонди унинг мол-мулкининг ўз кредиторлари манфаатларини қамқолайдиган даражадаги энг кам миқдорини белгилаган ҳолда.

Жамият давлат мулки негизида тузилган бўлиб (мол-мулклари) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланган бозор баҳосида жамият Устав фондининг суммасини ташкил этади.

Жамиятнинг бугунги кунда 4 954 671 дона нақдсиз, номинал қиймати 200 сўмлик оддий акциялари жойлаштирилган, шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати жамият устав фондининг йигирма фоизидан ошмаслиги белгилаб қўйилган.

Бугунги кунда жамиятнинг устав фонди миқдори жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санадаги Ўзбекистан Республикаси Марказий банкининг курси бўйича тўрт юз минг АҚШ долларига тенг миллий валюта миқдоридан кам бўлмаган 990 934 200 сўм миқдорда шакллантирилган. Жамиятнинг Устав фондини қўпайтириш асосан жамиятнинг Устав фонди

акциялар номинал кийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

Жамиятнинг Устав фондини акциялар номинал кийматини ошириш йўли билан кўпайтириш ва жамият Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш, акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ жамиятнинг кузатув кенгашига шундай қарорни қабул қилиш ҳуқуқи берилган.

Қўшимча акциялар жамият томонидан жамият уставига белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши белгиланади.

Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддати ва шартлари белгиланади.

Жамиятнинг устав фондини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида қайд этилади. Бунда эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг миқдори жойлаштирилган ана шу турлардаги акцияларнинг сонига қисқартирилади.

Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан эълон қилинган қўшимча акцияларни ёки акцияларни номинал қийматини ошириш тўғрисидаги қарорлари Устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарори ҳисобланади.

Жамият Устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз шахсий капитали, асосий воситаларни қайта баҳолаш натижасида ҳосил бўлган захира фонди ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобига амалга оширилиши натижасида акциялар номинал кийматини ошириш жамият Устав фонди миқдорини кўпайтириш жамиятнинг капитали ҳисобига амалга оширилишини таъминлаб бери.

Жамият Устав фондини унинг ўз шахсий капитали хисобига кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга худди шу турдаги акциялар унга тегишли бўлган акциялар миқдорига мутаносиб равишда тақсимланади. “МЕХМАШ” АЖнинг молиявий иқтисодий кўрсаткичларига эътибор қиладиган бўлсак, унда асосан асосий фаолиятнинг фойдаси 2013 йилда 3799710 сўмни ташкил этгани ҳолда, 2014 йилда 4674558 сўмни, 2015 йилда эса мазкур кўрсаткич 3746288 минг сўмни ташкил этган.(2.1.1-жадвал)

2.1.1-жадвал

“МЕХМАШ” АЖнинг молиявий иқтисодий кўрсаткичлари ҳақида маълумот (минг сўм)

№	Кўрсаткичлар номи	Йиллар бўйича даромадлар			2015 йилнинг 2013 йилга нисбати %
		2013 йил	2014 йил	2015 йил	
1	Асосий фаолиятнинг фойдаси	3 799 710	4674 558	3746 288	98
2	Молиявий фаолиятнинг даромадлари	347 543	91344	8190	2
3	Дивиденд шаклидаги даромадлар	246 006	19 983	1402	0,6
4	Фоизлар шаклидаги даромадлар	14	24	0	0

Манба: “МЕХМАШ” АЖ маълумотлари асосида тайёрланди.

2015 йилнинг 2013 йилга нисбати эса 98 фоизни ташкил этган. Молиявий фаолиятнинг даромадлари ўз навбатида 2013 йилда 347 543 сўм бўлган ҳолатда 2014 йилда 91344 минг сўмга камайган. 2015 йилда бу кўрсаткич 8190 минг сўмга тушган. Фоиз хисобида 2015 йилнинг 2013 йил ҳолатига атиги 2 фоизни ташкил этган. Дивиденд шаклидаги даромадлар

эса, 2013 йилда 246006 минг сўмни, 2014 йилда 19983 минг сўмни, 2015 йилга келиб 1402 минг сўмга тушган 2015 йилнинг 2013 йилга нисбати фоизда 0,6 %ни ташкил этган. Фоизлар шаклидаги даромадлар ҳам шунга нисбатан камайиб борганлигини кузатишимиз мумкин. Яъни, 2013 йилда 14, 2014 йилда 24 % ни 2015 йилда фойда олинмаган ҳолатлар аниқланди. Шу ўринда маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан тушдан соф тушум 2013 йилда 30459452 минг сўмни ташкил этган бўлиб, 2014 йилда 26534137 минг сўмни, 2015 йилда 22004017 минг сўмни, 2015 йилнинг 2013 йилга нисбати фоиз ҳисобида 72 % ни ташкил этган.

Сотилган маҳсулот, товар, иш ва хизматларнинг таннархи эса харажат ҳисобида 2013 йилда 23837350 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2014 йилда 21136341 минг сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2015 йилда эса 17820062 минг сўмни ташкил этган. 2015 йилнинг 2013 йилга нисбати фоиз ҳисобида 74%ни ташкил этганлини кузатимиз мумкин.(2.1.2-жадвал). Ўз навбатида маҳсулот, товар, иш ва хизматларни сотишнинг ялпи фойдаси 2013-йилда 6 622 102 минг сўм бўлган бўлса, 2014-йилда 5397 796 минг сўм, 2015-йилда эса 4183 955 минг сўмни ташкил этган. 2015 йилнинг 2013 йилга нисбати фоизда 63 %ни ташкил этганлигини жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин. Давр харажатларига келсак , бу кўрсаткич 2013 - йилда 3 225 805 минг сўм бўлса, 2014-йилда 1 151 618 минг сўмга камайган, 2015 - йилда эса 964 593 минг сўмни ташкил этган. Ушбу харажатларнинг 2015-йилнинг 2013-йилга нисбатини кузатсак фоиз ҳисобида 29% дан иборат бўлган. Давр харажатлари таркибида бўлган сотиш харажатлари 2013-йилда 79 125 минг сўмни ташкил этган. 2014-йилда бу харажатлар камайган ҳолда 25 425 минг сўм бўлган, 2015-йилда эса 4 888 минг сўмга тушиб қолган. 2015 йилнинг 2013 йилга нисбатини кўрадиган бўлсак 6 % ни ташкил этган. Маъмурий харажатлар 2013-йилда 394 842 минг сўм бўлган. 2014-йилда бу харажатлар ортган ҳолда 451 944 минг сўмни ташкил этган бўлса , 2015-йилда эса 594 076 минг сўмга етган. 2015 йилнинг 2013 йилга нисбати 150 % ни ташкил этган(2.1.2-жадвал).

2.1.2- жадвал

“МЕХМАШ” АЖ молиявий иқтисодий кўрсаткичлари ҳақида маълумот (минг сўм)

№	Кўрсаткичлар номи	2013 йил		2014 йил		2015 йил		2015 йилнинг 2013 йилга нисбати %
		Даромад	Харажат	Даромад	Харажат	Даромад	Харажат	
1	Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	30459452		26534137		22004017		72
2	Сотилган махсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннари		23837350		21136341		17820062	74
3	Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси	6 622 102		5 397 796		4 183 955		63
4	Давр харажатлари жумладан:		3 225 805		1 151 618		964 593	29
5	Сотиш харажатлари		79 125		25 425		4 888	6
6	Маъмурий харажатлар		394 842		451 944		594 076	150

Манба: “МЕХМАШ” АЖ маълумотлари асосида тайёрланди.

2.2. “МЕХМАШ” АЖнинг ишлаб чиқариш инфратузилмаси таҳлили.

Корхона фаолиятининг йўналиши бугунги кунда тобора кенгайиб, операцион таҳлил, инвестиция таҳлили, инновация таҳлили, молиявий таҳлил каби турларни ўз ичига олади. У корхона фаолиятининг барча томонлари ва бўлинмаларининг бир – бири билан узвий боғлиқликда бўлган яъни ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари – тайёрлов, ишлаб чиқариш ва маҳсулот муомалаларини ўз ичига олади.

Шуни таъкидлаш лозимки, барча хўжалик субъектларини фаолияти серкирра бўлиб, улар ишлаб чиқариш фаолиятдан ташқари ташқи иқтисодий фаолият, савдо, молиявий, инвестиция, инновация, маркетинг фаолиятлари билан ҳам шуғулланадилар.

Корхонанинг ҳар хил турдаги фаолиятини комплекс таҳлил этишда унинг сифат кўрсаткичлари тизимини бир-бири билан узвий боғлиқликда ўрганиш тақозо этилади.

Молия-хўжалик фаолиятида унинг инфратузилмаларининг таҳлили ишлаб чиқаришни бошқариш элементи, фаолиятни бошқариш босқичидир. У бошқарув тизимида бир қанча функцияларни бажаради. Иқтисодий таҳлил орқали хўжалик жараёнларининг моҳияти англади ва унга баҳо берилади, ишлаб чиқаришнинг резервлари аниқланади ва режалаштириш ҳамда бошқарувнинг илмий жиҳатдан асосланган қарорлари тайёрланади. Тизимдаги комплекс иқтисодий таҳлилнинг кўп қиррали функцияси унинг мақсад ва вазифаларида намоён бўлади. Хўжалик фаолиятини комплекс иқтисодий таҳлил этишнинг методик жиҳатдан ташкилий босқичлари қуйидагилардан иборат;

- таҳлилнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш;
- қўйилган мақсадларга эришиш учун кўрсаткичлар йиғиндисининг асосланганлигини ҳар томонлама таҳлил этиш;
- таҳлил ўтказиш босқичларини белгилаш;
- таҳлил ўтказиш муддатларини белгилаш;

– таҳлилни ташкил этиш босқичларини ишлаб чиқиш ва хизмат бўлимлари бўйича вазифаларнинг тақсимланиши;

– таҳлил натижаларини расмийлаштириш ва уларни баҳолаш;

– таҳлилнинг самарали натижаларини жамлаш.

Таҳлилнинг мақсад ва вазифаси аввало корхонани ички хўжалик муаммоларини ечишга, яъни фаолият натижавийлиги ҳамда унинг иқтисодий потенциалини ташкил этувчи ресурслар, капиталдан фойдаланиш даромади ва акционерларнинг акциядан оладиган даромадларини оширишга қаратилган.

Бошқарув таҳлилининг асосий мақсади ресурслар, баланс активи, компаниянинг рентабеллик билан ишлаши ва корхона молиявий ҳолати барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Молиявий ҳисобот шаклига молиявий кўрсаткичларга таъалукли бўлмаган кўрсаткичларни ҳам қўшиш бугунги кун талабидир. Натижада бу ҳисобот шаклидан ташқи ва ички фойдаланувчилар кўпроқ маълумотларга эга бўладилар.

Молиявий кўрсаткичларга тегишли бўлмаган манбалар орқали ҳамкор корхонани бозордаги мавқеи, технологияси, ишлаб чиқарилган маҳсулотини рақобатбардошлиги каби кўрсаткичлари тўғрисида маълумотларга эга бўлинади.

Молиявий ҳолат давлат, ташкилот ва шахслар ўртасида бўладиган ўзаро муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ пул ҳисоб-китобларини ифодалайди. Молиявий ҳолат корхонани маблағ билан таъминланганлиги, барча турдаги маблағларни мақсадга мувофиқ йўналиши ва улардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги, бюджет, банк, хом ашё етказиб берувчилар, харидорлар ва бошқа ташкилотлар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоб ҳолати билан характерланади. Корхонанинг молиявий ҳолати барқарор, нобарқарор ва кризис даражасида бўлиши мумкин. Молиявий барқарорликка эга бўлган корхоналарда ишчи ва хизматчилар билан иш ҳақи,

бюджет, банк, мол етказиб берувчилар билан бўладиган ҳисоб-китоб ишлари ўз муддатида амалга оширилади.

Молиявий ҳолат барқарорлигининг таҳлили орқали маълум давр мобайнида молиявий ресурсларни корхона қандай бошқарганлигига баҳо берилади. Аввало, молиявий ресурслар ҳолати бозор ва корхона ривожланишининг талабларига мос келиши керак, чунки молиявий барқарорликнинг талаб даражасидан паст бўлиши корхонанинг тўловга қобиллигини заифлаштиради, ишлаб чиқариш ривожланиши учун маблағлар етишмаслигига олиб келади. Бунинг акси бўлган ҳолатларда эса молиявий ресурслар ортиқчалиги ишлаб чиқариш ривожланишига тўсқинлик қилади, ишлаб чиқариш захиралари ва резервларининг меъёрдан ортиб кетишига сабаб бўлади. Демак, молиявий ресурсларнинг самарали шаклланиши, тақсимланиши ва улардан фойдаланиши молиявий барқарорлик моҳиятини ифодалайди.

Тўловга қодирлик корхонанинг молиявий ҳолатини ифодаловчи асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб, нақд пул маблағлари орқали муддати келган тўлов мажбуриятларини бажара олишига айтилади.

Молиявий барқарорлик кенг қамровли кўрсаткич бўлиб, корхона фаолиятининг барча томонлари натижаси унда акс этади. Молиявий барқарорликка эришган корхоналар қуйидаги хусусиятларга эга бўлади:

- бозор муносабатларининг ҳар-хил шароитларида ҳам фаолият юрита олиши;
- корхона пул маблағларининг эркин ҳаракат қилиши;
- молиявий ресурсларнинг бозор талабларига мос келиши;
- молиявий ресурслар ҳолати ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва тўлов қобилияти, кредитга лаёқатлилигини таъминлай олиши;
- ишлаб чиқариш захиралари ва харажатларининг манбалар билан қопланиши.

“MEXMASH” АЖнинг иқтисодий кўрсаткичларини асосий воситалар ҳолати таҳлил қиладиган бўлсак, у қуйидагича акс этган (2.2.1-жадвал).

2.2.1-жадвал

“MEXMASH” АЖнинг асосий воситалар ҳолати бўйича маълумот.

(Минг сўм ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2015 йилни 2013 йилга фарқи
Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати	14929296	16319191	24474114	9544818
Эскириш суммаси	7636142	84014466	8968813	1332671
Қолдиқ (баланс) қиймати	7293154	7917722	15505301	8212147

Манба: “MEXMASH” АЖнинг ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланди.

2.2.1 – жадвалдан кўриниб турибдики, “ MEXMASH” АЖнинг асосий воситалари бошланғич қиймати 2013 – 2015 йиллар оралиғида ошиб борган. Жумладан 2013 йилда 14929296 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2014 йилда эса 16319191 минг сўмга етганини кўришимиз мумкин. 2015 йилга бориб 24474114 минг сўмни ташкил қилган. 2015 йилни 2013 йилга солиштирганда 9544818 минг сўм фарқ келиб чиқади.

Асосий воситаларнинг эскириш суммаси ҳам ўзгариб борганини кўриш қийин эмас. Масалан, 2013 йилда бу кўрсаткич 7636142 минг сўм бўлган бўлса, 2014 йилда 8401466 минг сўмга етган. 2015 йилда эса яна ортиб 8968813 минг сўмни ташкил этган. 2015 йилни 2013 йилга нисбатан солиштирганда 1332671 минг сўм фарқни кўришимиз мумкин. Асосий воситаларни қолдиқ қиймати бўйича таҳлил киладиган бўлсак, 2013 йилда 7293154 минг сўмни ташкил этган. 2014 йилда бу кўрсаткич 7917722 минг сўмга етган. 2015 йилда эса олдинги йилларга нисбатан 2 баробардан зиёд ортганлигини кўришимиз мумкин, яъни 15505301 минг сўмни ташкил этган.

2015 йилни 2013 йилга солиштирганда 8212147 минг сўм фарқ ҳосил бўлганини кўриш мумкин.

Шу ўринда “МЕХМАШ” АЖнинг номоддий активлари таҳлили ҳам йиллар бўйича қуйидаги натижаларни берган (2.2.2-жадвал).

2.2.2-жадвал

“МЕХМАШ” АЖнинг номоддий активлари таҳлили

(Минг сўм ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2015 йилни 2013 йилга фарқи(+,-)
Узоқ муддатли инвестициялар, жами	67328	22328	1724	-65604
Шу жумладан:				
Қимматли қоғозлар	2528	2528	1724	-804
Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар	64800	19800	0	-64800
Ўрнатилган асбоб- ускуналар	20000	20000	20000	0
Капитал қўйилмалар	0	1813524	27991	27991

Манба: “МЕХМАШ” АЖнинг ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланди.

2.2.2 - жадвал маълумотларидан “МЕХМАШ” АЖнинг номоддий активлар ҳолатини таҳлил этадиган бўлсак, узоқ муддатли инвестициялар 2013 йилда 67328 минг сўм ташкил этган. 2014 йилда 22328 минг сўмга тушган. 2015 йилда эса бу кўрсаткич анча камайган ҳолда 1724 минг сўмни ташкил этган.

2015 йилнинг 2013 йилга фарқи -65604 минг сўм бўлган. Қимматли қоғозлар 2013 ва 2014 йилларда бир хил суммани ташкил этган, яъни 2528 минг сўм. 2015 йилда эса 1724 минг сўмдан иборат бўлган. 2015 йилни 2013 йилга нисбатан солиштирак -804 минг сўм фарқ келиб чиқади. Шўъба хўжалик жамиятларига ажратилган инвестицияларга эътибор берсак, 2013 йилда 64800 минг сўм , 2014 йилда эса 19800 минг сўмни ташкил этган. 2015

йилда эса шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар ажратилмаган. Фарк эса ўз навбатида -64800 минг сўмни ташкил этади. Ўрнатилган асбоб-ускуналар 2013 йилда 20000 минг сўмни ташкил этган ҳолда қолган йилларда ҳам ўзгармаган. Капитал қўйилмалар 2013 йилда мавжуд бўлмаган, 2014 йилда 1813524 минг сўмни ташкил этган. 2015 йилда эса бу кўрсаткич камайган ҳолда 27991 минг сўмни ташкил этган. 2013 йилда капитал қўйилмалар мавжуд бўлмаганлиги учун 2015 йилнинг 2013 йилга фарқи 27991 минг сўмни ташкил этган.

Ҳар бир корхонанинг асосий капиталлари унинг пул маблағлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, “МЕХМАШ” АЖнинг пул маблағлари ҳолати ҳам таҳлилнинг асосий бўғини бўлиб ҳисобланади. Яъни, корхонанинг пул маблағларинини ҳолати унинг келгуси ривожланишига ва истиқболига ўзининг у ёки бу томонга ўзгариб бориши тенденциясини белгилайди.(2.2.3-жадвал).

2.2.3-жадвал

“МЕХМАШ” АЖнинг пул маблағлари ҳолати таҳлили ҳақидаги маълумот.

(Минг сўм ҳисобида).

Кўрсаткичлар	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2015 йилни 2013 йилга фарқи
Пул маблағлари, жами	8175411	4608708	680273	-7495138
Шу жумладан:				
Хисоб-китоб счётидаги пул маблағлари	1410901	1140900	392332	-1018569
Чет эл валютасидаги пул маблағлари	160	0	0	-160
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари	6764350	3467808	287941	-6476409

Манба: “МЕХМАШ” АЖнинг ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланди.

2.2.3 – жадвал маълумотидан “МЕХМАШ” АЖнинг пул маблағлари ҳолатини кузатишимиз мумкин, яъни жамиятнинг 2013 йилдаги жами пул маблағлари 8175411 минг сўмни ташкил этган бўлиб, 2014 йилда бу рақам 4608708 минг сўмга ўзгарган. 2015 йилда эса бу кўрсаткич камайиб, 680273 минг сўмни ташкил этган. Хисоб - китоб счётидаги пул маблағларига келсак, 2013 йилда 1410901 минг сўм, 2014 йилда мазкур кўрсаткич 1140900 минг сўмни ташкил этган. 2015 йилга келиб эса бу маблағлар деярли 3 баробар ортиб 392332 минг сўмни ташкил этган.

“МЕХМАШ” АЖда маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган ёқилғи энергетика миқдори маҳсулот таннарихига таъсир этгани ҳолда бу харажатларнинг йиллар мобайнида ошиб бориши барча иқтисодий кўрсаткичларга сезиларли равишда ўз таъсирини ўтказганлигини кузатишимиз мумкин аксарият ҳолларда электр таъминотидаги узилишлар маҳсулот ишлаб чиқариш унинг сифат даражаси ва албатта фойдасига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказган ҳолатлар ҳам мавжуд(2.2.4-жадвал).

2.2.4-жадвал

“МЕХМАШ” АЖда маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган ёқилғи-энергетика миқдори.

№	Харажатлар	Ўлчов бирлиги	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2015 йилни 2013 йилга нисбати (%)
1	Электр-энергия	Минг/квт	2274,5	3030,8	3005	132
2	Табиий газ	Минг/куб	26,7	36,2	39,4	148
3	Ичимлик суви	Минг/куб	17,3	20,7	25,8	119
4	Автобензин ва дизел ёқилғиси	Минг/литр	77,7	81,0	83,0	107

Манба: “МЕХМАШ” АЖнинг ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланди.

Корхонанинг барча харажатлари – ёқилғи, электр-энергия, газ, сув ресурслари учун белгиланган меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқариш

цехларида ўлчагич асбоб - ускуналар ўрнатилган бўлиб, шулар асосида иш олиб борилади.

Корхона 2015 йилда 3005 минг киловатт электр - энергия сарфлаган бўлиб, бу 2013 йилга нисбатан 730,5 минг киловатт кўп, яъни 32 фоиз ортиқ электр-энергия сарф қилган. Бунга сабаб жамият ўтган йилларга нисбатан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарган. Бундан ташқари 2015 йилда 2013 йилга нисбатан 5,3 минг литр кўпроқ ёнилғи мойлаш материаллари ишлатган.

Корхонада электр-энергия миқдорининг нархи ҳам ўтган йилга нисбатан 55 фоиз кўпроқ яъни, 28268 минг сўмга ортиб кетган. Ёнилғи мойлаш материаллари ҳам ўтган йилга нисбатан нархи 78 фоизга яъни, 10610,2 минг сўмга кўп бўлганлигини кузатишимиз мумкин. Бунинг асосий сабабларидан бири ёнилғи - мойлаш материалларининг нархи ошишидир. Бу борада янги инновацион лойиҳаларни қўллаш мазкур харажатларни камайтириш имкониятини беради ва рақобатбардошликни оширади деб хулосалаш мумкиндир.

III БОБ. МАМЛАКАТИМИЗДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.

3.1. Саноатда фан-техника тараққиёти ютуқларидан самарали фойдаланиш имкониятлари.

Эркин бозор муносабатларининг энг муҳим ўзига хос хусусиятларидан бири – бу миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда фан ва техниканинг шиддатли ривожини ҳисоблананди.

Республикаимиз Президенти И.А.Каримов “Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш” комиссиясининг 1997 йил 5 июнида бўлиб ўтган мажлисида шундай деган эди: “Фан – бу тараққиётни англатади. Илм-фанни ривожлантирмай туриб ватан келажаги тўғрисида гапириш қийин”¹.

Мазкур жараён жуда мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, у ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг барча томонларини қамраб олади. Шу сабабли ҳам, у мунтазам ҳаракатдаги жараён ҳисобланади.

Фан-техника тараққиётининг асосини эса фан, илмий билимлар йиғиндиси ташкил этади. Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда айтишимиз мумкинки, фан – бу инсон фаолиятининг маълум соҳаси бўлиб, бунда воқеа- ҳодисалар ҳақидаги билимлар яратилади ва улар назарий нуқтаи-назардан муайян тартибда йўлга солинади. Шунингдек, фан ижтимоий фикрлаш ва билишнинг шаклларида биридир.

Фан ёки илм бу - ўқиш, ўрганиш ва ҳаётий тажриба асосида фикрланадиган билим ва малакалар мажмуасидир. Унинг асосий вазифаси аввало воқеа ва ҳодисаларни, шу жумладан, техник ва технологик ҳодисаларни тасвирлаш, кейин тушунтириш, олдиндан айтиб бериш, башорат қилишдан иборатдир.

Энди эса қуйида техника ва технология тушунчаларига батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

¹ Каримов И.А., “Халқ сўзи”, 1997 йил 6 июнь.

Техника – бу энг тор маънода меҳнат қуроли, меҳнат воситалари, кенг маънода эса у ишлаб чиқариш воситалари, технология усуллари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш шакллариининг йиғинсидир. У ишлаб чиқариш қучлариининг энг фаол элементи ҳисобланади.

Технология (юнонча “techue“ – санъат, маҳорат, удалаш ва логия) – ишлаб чиқариш жараёнида тайёр маҳсулот олиш учун ишлатиладиган хомашё, материал ёки ярим фабрикатларнинг ҳолати, хоссаси ва шакллариини ўзгартириш, уларга ишлов бериш, тайёрлаш усуллари йиғиндисидан иборатдир.

Фан ва техникани бир биридан фақат шартли ажратиб қўриш мумкин ҳолос, аслида эса улар ёнма-ён туради. Шу сабабли “Фан- техника“ атамаси қўп ишлатилади.

Фан-техника тараққиётининг асосини илмий билимлар ташкил этади. Илм ва билим асосида эса ўз навбатида янги техника ва технология яратилади, эскилари эса такомиллашиб боради.

Фан-техника тараққиёти – бу меҳнат воситалариини, ишлаб чиқаришни энг янги хомашёси ва материаллариини, ёқилғи ва энергияни, технологик жараёни, бошқаришни, меҳнатни техник жиҳатдан қуроллантириш ва юқоридагиларнинг барчасини янгидан яратишни ўз ичига олади.

Ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишловчиларнинг умумий маълумотини, маҳоратини узлуксиз тизимли равишда ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳам фан-техника тараққиётининг моҳияти ва аҳамияти билан бевосита чамбарчас боғлиқдир.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳозалар умумжамият миқёсида, миллий иқтисодиёт, унинг тармоқлари, корхона (фирма)лар ҳамда ташкилотлар миқёсида ҳам ҳисобга олинади.

Фан-техника тараққиётининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

-тежамқорликни амалга ошириш (вақтни, хомашё ва материалларни, ёқилғи, электр энергияси ва ҳ.к. ларни тежаш);

-ишлаб чиқариш жараёнларини осонлаштириш, меҳнатни енгиллаштириш;

- меҳнатнинг мазмуни ва характерини ўзгартириш;

- ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини янада юқори даражага кўтариш.

Мамлакат иқтисодиётида фан ва техниканинг роли шу қадар каттаки, биронта ижтимоий-иқтисодий вазифа уларнинг ривожланишини ҳисобга олинмасдан туриб ҳал қилиниши мумкин эмас.

Республикамиз Президенти И. Каримовнинг асарларида ва маърузаларида, Олий Мажлис қонунларида, Вазирлар Маҳкамаси қарорларида ҳамда олимларимизнинг илмий-амалий тадқиқотларида фан-техника тараққиётининг тавсифловчи ғоят мукаммал формалари таърифлаб берилган.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожини юқори даражага кўтариш фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни янада изчиллик билан амалга оширишни талаб қилади. Айни пайтда илмий-техника ривожининг ютуқларини ишлаб чиқаришда рўёбга чиқариш механизмини такомиллаштириш ҳозирги босқичда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг ҳал қилувчи омили эканлиги давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мазкур механизмларни такомиллаштириш фан-техника тараққиётини ташкил этиш ва бошқариш, режалаштириш ва прогнозлаш, маблағ билан таъминлаш ҳамда рағбатлантириш каби элементларни ўз ичига олади.

Эркин рақобатчиликка асосланган бозор муносабатлари шароитида фан-техника тараққиётининг учта асосий йўналишидан фойдаланиш мумкин, яъни:

- анъанавий йўналиш;

- замонавий йўналиш;

- устувор, истиқболли йўналишлар.

Анъанавий йўналишга электрлаштириш, механизациялаш, қисман автоматлаштириш ва химиялаштириш киради.

Замонавий йўналишга электрлаштириш, комплекс механизациялаш, комплекс автоматлаштириш (роботлаштириш, компьютерлаштириш), атом энергетикасини жадал ривожлантириш, янги материалларни ишлаб чиқариш ва уларга ишлов бериш, ҳозирги давр талабига жавоб берадиган технологияларни қўллаш, ундан фойдаланишда технологиянинг экологияга салбий таъсирини камайтириш, имкони бўлса бутунлай йўқотиш йўллари киради.

Афзаллик, устувор йўналишларга эса:

- электрлаштириш, биотехнологияни кенг жорий этиш, иқтисодий информатикани кўпайтириб ҳамда ривожлантириб ишлаб чиқаришни тўла ахборотлаштириш ва фундаментал фанлар бўйича изланишларни кучайтириш;

- янги, илғор технологияларни жорий этиш;

- техника ва технология, электр энергияси ва ёқилғиларнинг, хом ашё ва материалларнинг энг янги турларини яратиш;

- мавжуд машина ва механизмларни, асбоб-ускуна ҳамда жиҳозларни модернизациялаш киради.

Эркин бозор муносабатларига ўтиш муносабати билан илм-фан соҳасига жуда кўп атамалар (терминлар), тушунчалар кириб келмоқда. Масалан, “Нау-хау“, инновация, лизинг, технополис, венчур, инжинеринг, тендер ва ҳ.к.

“Нау-хау“ – бу техник, ташкилий-иқтисодий, тижорат билимлари ва тажрибанинг йиғиндиси бўлиб, алмашиш предмети ҳисобланади. “Нау-хау“ типигаги ахборот (информация) рақобатли ишлаб чиқаришнинг, савдонинг омили сифатида рўй бериши мумкин. “Нау-хау“нинг энг характерли, томони шундаки – бу техник билимларнинг янгилигида ва аниқ ишлаб чиқариш ва тижорат вазифаларини бажариш учун фойдалилигидадир. Уни амалга оширишда шартнома тузилади: ҳар хил чизмалар, лойиҳалар, смета (бўладиган кирим-чиқим ҳисоби), технологик карталар, методикалар (бирор

нарасага ўргатиш усуллари), формулалар (шартли белгилар билан ифодааланган математик миқдорлар), техник маълумотлар ва бошқа зарур маълумотлар таништирилади. Экспортёр мазкур маълумотларни етказиб беради, импортёр эса қабул қилиб олади.

Инновация – бу иқтисодийётга маблағ киритиш жараёни бўлиб, янгиликни жорий этиш:

- биринчидан, техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодийётга сарфланган маблағлар бўлса;
- иккинчидан эса, фан-техника тараққиёти ютуқлари натижалари бўлган янги техника ва технологиялардан иборатдир.

Ихтирочиликнинг ривожланиши, бирор йўналишдаги йирик ихтиро ва кашфиётлар майдонга келиши инновациянинг муҳим омиллари ҳисобланади.

Фан-техника тараққиётининг муҳим анъанавий йўналишларидан бири ишлаб чиқаришни электрлаштиришдир. Электрлаштириш деганда электр энергиясини етарли даражада ишлаб чиқариш, уни керакли жойларга узатиш ва ундан кенг фойдаланиш жараёни тушунилади. Унинг моддий асосини “Электро-энергетика” тармоғи ташкил этади. У эса ўз ичига электр энергияси ишлаб чиқарадиган жиҳозларни (электростанцияларни), истеъмолчиларга уни етказиб берувчи жиҳозларни (подстанцияларни) ва электр узаткичларни олади.

Электр энергияси ҳар турли станцияларда ишлаб чиқарилади, яъни:

- сув билан ишлайдиган электр станциялар (ГЭСлар);
- иссиқлик электростанциялари (ГРЭСлар);
- атом электростанциялари;
- қуёш электростанциялари;
- шамол ва бошқа электростанциялар.

Экспертларнинг далолат беришларича, келгуси юз йилликнинг ўрталарида сайёрамизда энергия ишлаб чиқариш ҳозирги даражадан ўн барабар ортади. Бундай ўсишни қайта тикланмайдиган органик ёқилғи

ёрдамида таъминлаш мумкин эмас. Шу сабабли энергетика муаммоси энг жиддий оламшумул муаммолардан бирига айланмоқда.

Ҳозирги вақтда жаҳон энергетикаси асосан органик ёқилғидан фойдаланишга асосланган. Энергетика балансида нефт ва газнинг улуши тахминан 50 фоизни, кўмир 35 фоизни ташкил этади ва атиги 15 фоизи эса атом электростанциялари, гидроэнергетика ва бошқа манбалар ҳиссаасига тўғри келади. Бироқ, инсониятнинг энергетика истеъмоли шу қадар тез суръатда ўсмоқдаки, органик ёқилғи каби анъанавий энергетика ресурсларининг захиралари навбатдаги юз йилликдаёқ етарли бўлмай қолади. Шу сабабли инсоният олдида янги энергия манбаларини эгаллашдек долзарб вазифа турибди.

Ҳозирги пайтда қуёш, атом (оғир элементларнинг бўлиниши) ва ядро энергетикаси (енгил ядроларни термоядровий синтез қилиш) ана шундай манбалар ҳисобланади.

Ер сатҳига етиб келадиган қуёш энергиясининг умумий миқдори инсоният эҳтиёжларини қондириш учун батамом етарлидир. Бунинг яна бир афзаллиги шундаки у, анча арзонга тушади.

Олимларнинг ҳисобларига қараганда, XXI асрнинг ўрталарига бориб, бутун дунёда жон бошига электр истеъмол қилиш 3-4 барабар ортади. Буни қандай таъминлаш мумкин? Органик ёқилғини ишлаб чиқаришни камайтириш керакми ёки йўқми? Албатта, бу саволга жавоб топиш керак бўлади. Ушбу муаммони ҳал этиш олимлар ва мутахассислар олдида катта вазифалар қўяди.

Атом энергетикасининг афзалликлари ва зарари тўғрисида тўхталадиган бўлсак, АЭСларнинг емирилиши жуда мураккаб вазиятни келтириб чиқаради. Авария пайтида радиоактив моддалар ажралиб чиқиши катта ҳудуднинг радиоактив зарарланишига олиб келиши мумкин. Шундай қилиб АЭСларни барпо этиш хавфсизлик билан боғлиқ бўлган принципиал янги омилни келтириб чиқаради. Бу омил нақадар жиддий эканлигини эса 1986 йилдаги Чернобиль АЭСидаги авария оқибатлари яққол кўрсатди.

Башарти, термоядро энергетикаси мавжуд бўлганда у барча мезонлар бўйича етакчи ўринни эгаллаган бўлур эди. Ҳали у яратилгани йўқ, шунчаки талаб холос, мураккаб техникавий ва технологик вазифалар зудлик билан ҳал этилиши лозим.

Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни электрлаштириш борасида жуда катта ишлар амалга оширилиши туфайли йилдан-йилга электр энергияси ишлаб чиқариш кўпаймоқда.

Республикада олимлар ва энергетика саноати мутахассислари “Ўзбекистон электроэнергетикасининг тараққиёт концепсиясини” ишлаб чиққанлар. Мазкур концепцияга мувофиқ мамлакатимизда сўнгги йилларда 96 млрд кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилди. Бундай ўсишнинг асосий қисми иссиқлик электр энергиясидан олинганлиги ҳаммамизга маълум.

Электронизациялаш - бу ишлаб чиқариш жараёнларида электроникадан кенг фойдаланиш, яъни ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ахборотни компьютерларда йиғиш, ўтказиш ва ишлашдир. Электрониканинг макро ва микро турлари мавжуд бўлиб, улар саноат ишлаб чиқариши бошқарувида алоҳида ўрин тутди.

Механизациялаш – бу қўл меҳнати машина меҳнати билан алмаштиришдир. У икки хил бўлади: а) кичик механизациялаш; б) комплекс механизациялаш. У ишлаб чиқаришни автоматлаштиришга замин тайёрлайди.

Автоматлаштириш – бу илгари одам бажарадиган, бошқариш ва назорат қилиш вазифалари асбоблар, автоматик қурилмалар зиммасига юкланадиган машинали ишлаб чиқаришни ривожлантириш жараёни. Автоматлаштириш жараёнида инсон фақат операторлик вазифасини адо этади. Химиялаштириш – бу ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида химия фанининг барча ютуқларидан кенг фойдаланишдан иборат бўлиб, унинг асосий мақсади эса ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларига кимёвий материалларни, хомашё ва материалларни қайта ишлашнинг химик

усулларини жорий этишдаш иборатдир. Химиялаштириш ёрдами билан олдиндан белгиланган хусусиятли хомашё материалларни тайёрлаш мумкин. Масалан, бўёқ ва лаклар, синтетик каучук, синтетик тола, пластмассалар ва бошқалар.

Саноат ишлаб чиқаришини автоматлаштиришдан мақсад – меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулотлар сифатини яхшилаш, ишлаб чиқаришнинг барча ресурсларидан фойдаланишнинг оптимал шароитини яратиш.

Ишлаб чиқаришни автоматлаштиришнинг уч тури, яъни қисман (айрим ишлаб чиқариш операцияларинигина автоматлаштирадиган), комплекс ва тўла турлари мавжуд.

Бугунги кунда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникациялар тармоқларини, маълумотлар узатишни, интернет хизматларига кириб боришни ривожлантириш ва замонавийлаштириш республикамизда устувор аҳамият касб этмоқда.

Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 2002 йилнинг 30 майида имзоланган “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармон алоҳида аҳамиятга моликдир.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ республикада компьютерлаштириш ва ахборот – коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасидаги вазифаларни Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилган.

Мазкур кенгашнинг асосий вазифалари этиб - соҳани ривожлантиришнинг замонавий халқаро тенденциялар ва мамлакатни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш стратегиясига мос келувчи устувор йўналишларини белгилаш, бу борада дастурлар, лойиҳалар, меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда экспертизадан ўтказилишини ташкил этиш, малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, жумладан, мутахассисларни чет элларда ўқитиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш каби муҳим вазифалар юклатилган.

Унда реал иқтисодиёт тармоқларида, бошқарув, бизнес, фан ва таълим соҳаларида компьютер ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, турли аҳоли қатламларининг замонавий компьютер ва ахборот тизимларидан кенг баҳраманд бўлишлари учун шарт-шароитлар яратиш каби вазифалар белгилаб қўйилган.

Ўзининг ахборот-коммуникациялар технологиялари инфратузилмасини шакллантирган мамлакатларгина глобал иқтисодиётга кириб бориши мумкин. Шунинг учун ҳам кўпгина мамлакатлар замонавий ишлаб чиқариш ёки ахборот – коммуникациялар технологияларини кенг қўламда қўллашга қарор қилдилар. Чунки улар қўшимча иш жойларини ташкил этиш ва ходимларни қайта тайёрлашда чет эл инвестицияларини жалб этадиган ядро бўлиб хизмат қилади.

Саноати ривожланган мамлакатлар ахборот – коммуникациялари бозорини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, ушбу технологиялардан кенг миқёсда фойдаланиш иқтисодий ўсиш, меҳнат унумдорлиги ва сифатини юксалтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда жаҳон бозори билан кечадиган интеграция жараёнларини тез суръатларда амалга оширишга катта имконият яратиб беради. Ушбу анъаналарни мамлакатимиз миллий иқтисодиётининг барча тармоқларида ҳам кузатишимиз мумкин.

Ўзбекистонда ахборот - коммуникациялар бозори шаклланишининг барча ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлари мавжуд. Изчиллик билан ривожланиб бораётган ушбу тармоққа чет эл сармояларини жалб қилиш ва қўшма корхоналар очиш учун барча шарт – шароитлар етарли. Ана шу шарт - шароитлардан саноат ишлаб чиқаришида кенг фойдаланиш унинг самарадорлигини оширишга катта имкониятлар яратиб беради.

Ўзбекистон Республикаси жуда катта фан-техника салоҳиятига эга. Бу ерда Ўзбекистон Фанлар академияси ва 400 дан ортиқ илмий- тадқиқот муассасаслари бўлиб, уларда фан-техника тараққиётининг фундаментал ва амалий муаммолари тадқиқ қилинади, хусусан, саноат ишлаб чиқаришига

унинг илмий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида илмий ва амалий ёрдамлар кўрсатилади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон саноатига хорижий мамлакатларнинг фан ва техника соҳасидаги тажрибаларини олиб кириш ҳамда уларни жорий этиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда.

Кенг кўламда глобаллашув жараёни кечаётган бугунги кунда олимларнинг ютуқлари тижоратлашиб бормоқда ва ҳозирги пайтда улар дунё бозоридаги энг қиммат маҳсулот турларидан бирига айланмоқда.

3.2. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида саноат корхоналари инфратузилмасини ривожлантириш масалалари.

Иқтисодийни эркинлаштириш шароитида саноат корхоналарида ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири сифатида мавжуд ишлаб чиқариш салоҳияти - асосий ва айланма фондлар, ишчи кучидан тежамкорлик асосида, иложи борича унумлироқ фойдаланишни кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари уларга буюмлашган меҳнат сарфланганлиги, яъни корхонанинг бугунги эгаларидан ташқари аввалги авлод вакиллариининг ҳам меҳнати мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин.

Бозор муносабатларида ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланиш зарурияти ҳақида қайта таъкидлашга эҳтиёж йўқ: биринчидан, бозор “вакуумни”, ҳаракатсизликни, хўжасизликни ва йўқотишларни кечирмайди, иккинчидан, ўз имкониятлари ва ресурсларидан етарлича фойдаланмайдиган корхона истиқболга эга бўлмайди ҳамда банкротга учрашга асос яратади. Шу сабабли барча турдаги ресурслардан самарали фойдаланиш ва айниқса ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида тежамкорликка риоя қилиш ҳар бир корхона фаолиятининг муваффақият қозонишининг гарови ҳисобланади.

Корхоналар ишлаб чиқариш инфратузилмасини такомиллаштиришда ташкилий-иқтисодий омиллар, жумладан, бошқарув ҳам муҳим ўринга эга.

Уларнинг аҳмияти ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши ва хўжалик алоқаларининг мураккаблашиши билан ортиб боради. Бу омиллар қаторига биринчи ўринда, оқилона ишлаб чиқариш шакллари яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш - концентрация, ихтисослаштириш, кооперация ва комбинация қилишни киритиш мумкин.

Бошқарувда эса, бошқариш, режалаштириш, иқтисодий рағбатлантиришнинг усул ва шакллари, яъни корхона фаолиятининг бутун хўжалик механизмини такомиллаштиришда ифодаланади. Корхона раҳбарининг иш стили ва усуллари фан-техника тараққиёти ва бозор иқтисодиётига мос келиши зарур. Масалан, корхона директори билими, тажрибаси ва профессионал малакасига кўра, оддий ходимлар ва бўлинма (хизмат) раҳбарларидан юқори туриши лозим. Акс ҳолда у жамоани керакли тарзда бошқара олиши ҳамда муваффақиятга эришиши ва имиджга эга бўлиши қийин.

Режалаштиришда режаларнинг баланслаштирилиши, кўрсаткичлар тизимини оптимал шакллантириш, режалаштирилаётган мақсадлар ресурслар билан таъминланиши муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида корхонадаги иқтисодий фаолиятни кучайтиришни, режалаштириш ва иқтисодий ҳисоб-китобларни ҳамда замонавий компьютер техникаси ва унинг режа иқтисодий ҳисоб-китобларини амалга оширишдаги имкониятларини яхши билувчи, саводли ва малакали иқтисодчиларни танлашни талаб қилади.

Корхона инфратузилмасининг самарали бўлишида ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури ва сифатини ошириш ҳамда жаҳон стандартлари даражасига етказиш, корхонанинг ишлаб чиқариш тузилмасини яхшилаш каби омиллар ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Бунга эса замонавий машина ва асбоб-ускуналар, замонавий технологиялар, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усулларида фойдаланиш орқали эришилади.

Албатта, юқорида келтириб ўтилган омилларни амалга ошириш маълум бир ресурслар ва вақт сарфлашни талаб қилади. Бироқ, бу муаммоларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзгартирмайди. Амалиёт шуни кўрсатадики, замон билан ҳамнафас ҳолда ҳаракат қилувчи, барча фаолият турларида тежамкорликка риоя этувчи, ўз салоҳиятидан унумлироқ фойдаланувчи, замонавий фан ва техника ютуқларига таянувчи корхона ўзининг бугунги кундаги муваффақиятларидан ташқари, келажакда ҳам муваффақиятларга эришишини, жумладан, бозордаги ўз ўрни ва рақобатчилик муҳотида қулай аҳволда бўлишини таъминлайди.

Саноат инфратузилмаси ва уни ривожлантириш республикамиз ҳукуматининг диққат марказида турган вазифалардан бири ҳисобланади.

Хусусан республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг 2015 йил 26 ноябр кунги Наманган вилоятига қилган ташрифи чоғида мазкур масалага алоҳида эътибор қаратди ва қуйидагиларни таъкидлади.

Бизнинг энг устувор вазифамиз – бу таркибий ўзгаришлар сиёсатини олиб бориш, саноатни диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишдан иборат.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида айтиш шунинг учун мақсадда Наманган вилоятининг саноат салоҳияти ва инфратузилмасини кескин ривожлантириш бўйича 2016 – 2019 йилларга мўлжалланган махсус дастур устида бошланган ишлар ўз якунига етаётганини маълум қилиб, кенг қўллади бу дастур ҳақида тўхталиб ўтди.

Мазкур дастур 5 та асосий йўналишдан иборат бўлиб, биринчи йўналиш Наманган вилоятида янги саноат объектларини барпо этишга қаратилган 16 та йирик инвестиция лойиҳасини ўз ичига олади. Бу ҳақда гапирганда, Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясини бунёд этиш лойиҳаси ҳақида алоҳида сўз юритиш ўринлидир. Биринчи босқичда, яъни, 2017 йилда ҳар бири 450 мегаватт қувватга эга иккита энг замонавий буғ-газ

турбинасини ишга тушириш бўйича бугунги кунда жадал иш олиб борилмоқда. Иккинчи босқичда, яъни, 2020 йилда яна иккита ана шундай турбинани ишга тушириш кўзда тутилмоқда.

Ана шу улкан лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобидан биз нафақат Наманган вилояти, балки бутун Фарғона водийсининг иқтисодиёти ҳамда аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, шу асосда янги-янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш имкониятига эга бўламиз.

Дастурнинг иккинчи йўналиши вилоятда фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича 25 та инвестиция лойиҳасини қамраб олади. Уларнинг орасида Наманган шаҳридаги “Электр қурилмалари” акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш қувватини оширишга қаратилган лойиҳа муҳим ўрин тутди. Шу аснода металл конструкциялар ва қуйи волтли электр асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Учинчи йўналиш – маҳаллий ҳокимият идоралари ва тадбиркорлик тузилмаларининг саноат салоҳиятини ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича ташаббуслари асосида тузилган бўлиб, унда 177 та лойиҳа ўрин олган. Уларнинг орасида Уйчи туманида хорижий инвесторлар билан биргаликда ташкил этиладиган ипак-трикотаж маҳсулотлар корхонаси, Наманган шаҳридаги “Камол-медфарм” масъулияти чекланган жамиятида маҳаллий шифобахш ўсимликлардан дори-дармон ва инексия воситалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, “ФТ текстил груп” масъулияти чекланган жамиятида эса пахта хомашёсидан ип-калава ва тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва бошқа истиқболли лойиҳалар диққатга сазовордир.

Дастурнинг яна бир муҳим йўналиши – муҳандислик коммуникациялари ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини қуришга доир бир қатор лойиҳалардан ташкил топган. Шулар қаторида Поп туманида

электрлаштирилган “Ангрен – Поп” темир йўли подстансияларини электр билан таъминлайдиган иншоотларни барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида вилоятда охириги йилларда иқтисодий ривожлантириш дастурларининг амалга оширилиши натижасида субвенция, яъни марказ бюджетидан ёрдам улуши камайган бўлса-да, унинг ҳажми ҳалигача юқори даражада сақланиб қолаётганига алоҳида эътибор қаратди. Бугунги кунда маҳаллий харажатларнинг 41 фоизи мамлакатимиз бюджети ҳисобидан қопланиб келаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Энг ачинарлиси, вилоятдаги 11 та тумандан 10 тасида бу кўрсаткич 60 фоиздан ошиб кетган. Айниқса, Косонсой, Тўрақўрғон, Уйчи, Янгиқўрғон туманларида бу масала ўта долзарб бўлиб қолмоқда.

Ҳолбуки, Наманганда ҳали ишга солинмаган шундай беҳисоб имкониятлар борлигини инобатга оладиган бўлсак, ўзингиз айтинг, бундай ҳолат сизларга ярашадими, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Юзага келган бундай аҳволнинг сабаблари ҳақида гапирганда, аввало, вилоятда стратегик аҳамиятга эга бўлган, ташқи бозорга маҳсулот чиқарадиган йирик саноат корхоналарини қуриш масалаларига етарлича эътибор берилмаётганини таъкидлаш керак. Буни кейинги йилларда вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотида саноатнинг улуши атиги 11 фоизга яқинни ташкил этаётгани ҳам исботлаб турибди. Ҳолбуки, мамлакатимиз миқёсида бу рақам икки баробардан зиёд кўп бўлиб, 25 фоиздан иборат. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда Наманган вилоятининг мамлакатимиз саноатидаги улуши жуда паст даражада – бор-йўғи 2,7 фоиз бўлиб қолмоқда.

Бу албатта ҳеч кимни қониқтирмайди. Жорий йилда вилоятдаги 10 та йирик саноат корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 36 миллиард сўмга камайган, аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқариш эса мамлакатимиздаги ўртача кўрсаткичдан 1,7 баробар орқада қолган.

Энг ёмони, мавжуд корхоналарнинг аксарияти тўла қувват билан ишламаяпти. Бунга эса ишлаб чиқаришга корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш, менежмент ишини тўғри йўлга қўйиш, бу борада замонавий

узуллардан фойдаланиш бўйича деярли силжиш йўқлиги сабаб бўлмоқда. Натижада буюртма портфели номига шакллантирилмоқда, бир катор корхоналарнинг молиявий аҳволи йилдан-йилга ёмонлашмоқда, уларнинг техника ва технологиялари эскилигича қолмоқда.

Бугунги кунда вилоят бўйича 327 та ёки жами саноат корхоналарининг 10 фоизи фаолият кўрсатмаётгани, 16 фоизи эса паст қувват билан ишлаётганини афсус билан қайд этишга тўғри келади.

Бу борадаги аҳволни ҳолисона таҳлил қилиб айтадиган бўлсак, вилоятнинг кўпгина туманларида хомашё ва ишчи ресурслари, тегишли инфратузилмалар етарли бўлишига қарамасдан, замонавий саноат корхоналари барпо этиш бўйича ташаббус ва амалий ҳаракатлар деярли сезилмаяпти. Шу муносабат билан илгари ҳам кўп бор айтган гапни яна такрорлашга тўғри келади – фақат пахта, ғалла ва сабзавот етиштириш, фақат аграр соҳа ҳисобидан янги корхоналар, уй-жойлар қуриш, пенсия, нафақа ва стипендияларни ўз вақтида тўлаш, ижтимоий эҳтиёжларни бажариш, кўпайиб бораётган аҳолимизни боқиш турмуш тарзи ҳақидаги фикрлар ва муаммоларни ўрганиш зарурлигини таъкидланди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Мамлакатимиз иқтисодиётини мутаносиб ривожлантириш, унинг самарали таркибий тузилмасига эга бўлиш ва шу орқали барқарор иқтисодий ўсиш сурқатларига эришиш Ватанимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Ушбу маҳсадга эришиш учун эса энг аввало иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш зарур бўлади.

Миллий иқтисодиётнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган корхоналарнинг ўрни ва ролини ошириш ҳамда саноат корхоналарининг самарали фаолиятини таъминлаш маҳсадида ушбу мавзу танланиб, улар ечимини топиш йўлида тадқиқотлар ўтказилди. Бу тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Саноат корхоналари инфратузилмаларини интенсив ривожланишга олиб боровчи омиллар гуруҳига қуйидагиларни киритиш лозим:

- Ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштириш ;
- Маҳсулот сифати ;
- Меҳнат қуроллари ;
- Меҳнат буюмлари ;
- Ишлаб чиқариш технологиялари ;
- Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ;
- Корхонанинг хўжалик алоқалари ;
- Маркетинг фаолияти ;
- Бозордаги ўрни ва бозор ҳиссаси .

2. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини оширишга олиб борадиган тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш. Маҳсулот сифати ва рақобатбардошлилиги даражасининг ортиши саноат корхонасидаги самарадорликнинг ортишида асосий омил ҳисобланади. Чунки, корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот ўз сифати ва нархи бўйича талабга жавоб бериши лозим. Акс ҳолда, бозорда сотилмасдан ўз ҳаридорини кутиб туриши натижасида, корхонанинг зарур маблағлари маҳсулот шаклида

туриб қолади, айланма русурсларнинг айланиш даври узайиб кетади, йилдаги айланишлар сони камаяди. Буларнинг бари корхона фойда ва самарадорлигини пасайишига олиб бориши мумкин.

3. Ишлаб чиқаришдаги меҳнат қуроллари, буюмлари ва ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш. Янги, самарали, юқори унумли машиналар, дастгоҳлар, асбоб-ускуналар ва янги технологик жараёнлар яратиш. Янги техника, дастгоҳлар, мосламалар ва технологик жараёнларда юқори сифатли Рақобатга бардош берадиган, кам харажатлар билан тайёрлаш мумкин бўладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

4. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш. Ишлаб чиқаришда қатнашаётган меҳнат буюмлари, қуроллари ва меҳнатнинг мос ҳолдаги ҳаракатини йўлга қўйиш, уларнинг ҳар биридан самарали фойдаланиш, исрофгарчиликнинг олдини олиш ва сифатли маҳсулот яратиш йўлида тинимсиз ҳаракат қилиш лозим. Хом ашё ва бошқа материалларни ўз ваўтида етказиб беришни таъминлаш, барча турдаги таъмирларни ўз ваўтида ва меҳёрларга амал қилган ҳолда ўтказиш, дастгоҳларнинг иш ваўтидан самарали фойдаланиш орқали самарадорликнинг ортишига эришамиз.

5. Ишлаб чиқаришнинг ихтисослашув даражасини ошириш. Маълум турдаги харидорлар маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашув саноат корхоналаридаги меҳнат унумдорлигини ортишига олиб боради, ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини муттасил равишда яхшиланиб боришини таъминлайди. Шу билан биргаликда, корхона ичида ҳар бир бўлим ва ҳар бир иш жойида ихтисослашув даражасини ошириш ва бажараётган иши учун маҳсулиятни ўз устига олиш ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда муҳим омиллардан ҳисобланади.

6. Ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий ташкил этиш.

Хулоса қилганда истиқболда саноат корхоналарининг ялпи ички маҳсулотодаги улушини ошириш, унинг иқтисодий ўсишидаги салмоғини

кўтариш учун юқоридаги йўналишларни қўллаш билан биргаликда яна қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш маҳсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси., -Т.: Ўзбекистон, 2010 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Қорхоналар тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ва қарорлар тўплами., -Т.: Ўзбекистон, 2005 йил.
3. И.А. Каримов “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., “Ўзбекистон”, 1995.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги "2015-2019 йилларда модернизация ва диверсификация қилиш ва таркибий ўзгаришларни таъминлашнинг дастурий чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4707-сонли Фармони. www.lex.uz.4.03.2015 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартдаги (ПП-2313) "2015-2019 йилларда инженерлик коммуникация ва йўл - транспорт инфратузилмасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори. www.lex.uz.6.03.2015 йил.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Амалга оширилаётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш - ёруғ келажагимизнинг асосий омиллари" номли маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма, Т., 2013 йил.
7. "Тарихий, маданий ва маърифий меросимиз, урф-одат ва қадриятларимиз - интеллектуал келажагимизнинг мустаҳкам пойдевори" мавзусидаги халқаро конференциясидаги нутқи. 2014 йил 14-15 май.
8. И.А. Каримов "Бош мақсадимиз - кенг қўламли ислохот ва модернизация йўлини қатийят билан давом эттириш". Т. "Ўзбекистон" 2013 йил.
9. И.А. Каримов 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар

- стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади.
"Халқ сўзи" - 2014 йил.
10. И.А. Каримов "Она юртимиз бахту-иқболи унинг порлоқ келажаги учун хизмат қилиш энг олий саодатдир", Т., 2015 йил.
11. Асосий вазифамиз - Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. - Президент Ислом Каримовнинг 2013 йилнинг асосий якунлари ва 2014 - йилда Ўзбекистонни ижтимоий - иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси "Халқ сўзи", 2014 йил 28 январ.
12. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари . И.А.Каримов. - Т: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.
13. Мамлакатимизни "2015 йилда Республикаимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига" бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. "Халқ сўзи", 2016 йил 4 феврал.
14. Каримов И.А. Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. - Т.: Ўзбекистон, 2009. - 24 б.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 ноябрдаги "2016-2019 йилларда Наманган вилояти саноати салоҳиятини раивожлантириш дастури тўғрисида"ги ПҚ-2439 сонли Қарори.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. "Баркамол авлод йили" Давлат дастури тўғрисида. 2010 йил 27 январ.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. 2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида. 2009 йил 13 феврал.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январ , ПҚ-1041-сон.
19. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисодиёт, 2009. - 120 б.
20. И.А.Каримов "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" Т - 2011йил.
21. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. (Бекмуродов А., Гафуров У.В.) Т.: Иқтисодиёт, 2008. - 126 б. (электрон версияси билан).
22. Махмудов Э.Х. «Корхона иқтисодиёти» Т., Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси.Адабиёт жамғармаси Уюшмаси нашрети, 2004 йил.
23. Ортиқов А. «Саноат иқтисоди» фанидан маъруза матни Т.: ТДИУ, 2010 йил.
24. Оммабоп иқтисодиёт: моҳияти ва асосий тушунчалари (ўзбек ва рус тилларида). Илмий-оммабоп қўлланма. (Бекмуродов А., Гимранова О.Б., Шамшиева Н.Н.) Т.: Иқтисодиёт, 2009. - 92 б. (электрон версияси билан).
25. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича статистик тўпламлари.
26. Сергеев И.В «Экономика предприятия» Москва. 1997 г.
- 27.«Экономика организации и планирование промышленного производства» под. Ред. Санамова Ю.А Высшая школа. Москва. 1995 г.
28. Шарифхўжаев М., Абдуллаев С. «Менеджмент» дарслик. Т. Ўқитувчи 2001 йил.
29. www.referat.uz сайти.
30. www.Rambler.ru
31. www.Google.ru
31. www.Yandex.ru